

Хунар — оқар
булоқ,
Илм — ёнар
чироқ.

Ўзбек халқ
мақоли



Majburiy
nashr

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Kuch - bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 27-noyabr, shanba № 93 (8326) ISSN 2010-6416

ПУХТА БИЛИМ ОЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда таълимнинг ўрта бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига қаратилаётган эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар баркамол авлоднинг пухта билим олиб, касб-хунар сирларини мукаммал эгаллашларига қаратилган. Бу эътибор намунаси юртимиздаги барча академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўз аксини топмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги транспорт ва алоқа касб-хунар коллежида ўқувчилар етти йўналиш бўйича таълим олмоқда.

Барча зарур қулайликлар яратилган замонавий ахборот-ресурс маркази, ўқув-амалиёт ва фан кабинетлари ўқувчилар ихтиёрида. Уларга эллик нафар тажрибали устоз-ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Суратларда: Бойсун туманидаги транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи фаолиятдан лавҳалар акс этган.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Истеъдод синовларда кашф этилади. У кичик иқтидорни-да қўллаб-қувватлайди, маҳоратни тоблайди. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган умумтаълим фан олимпиадалари, ҳақиқий маънода, истеъдодларни кашф этиш ва билим олишга бўлган илк интилишни рағбатлантириш, уни такомиллаштириш имтиҳони.

ФАН ОЛИМПИАДАСИ БОШЛАНМОҚДА

илк босқич тайёргарлиги — якуний
синовлар муваффақияти гарови

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2008


Rasmiy bo'lim

йил 13 октябрдаги "Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 226-сонли қарори асосида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, умумтаълим мактабларининг иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини

уюшқоқлик ва юқори даражада ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказиш тўғрисида»ги қўшма буйруғи қабул қилинди.

(Давоми 6-7-бетларда.)

ҲАР БИР ФАРЗАНД ЭЪЗОЗДА



Ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимини яратиш жамият тараққийотининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон кадр-қимматини улуғлаш, ҳақ-

ҳуқуқларини таъминлаш ва уни ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

(Давоми 5-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАКЛАГАНДА:

ЮКСАК
САЛОҲИЯТ ВА
ТАРАҚҚИЁТ
ОМИЛИ

MUSTAQILLIK
INSHOOTLARIGA
SAYONAT

Fan oyligining amaliy
mashg'ulotlarga boy
o'tishini ta'minlaydi

УММОНЛАРДА
УЛФАЙГАН
САЁХАТЧИ

ВУЖУД ВА
РУҲИЯТ
МАЛҲАМИ

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф қилинган кун тартибидан тасдиқлагандан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза қилди, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б.Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар таъкидладиларки, мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорликни ва ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръатларини таъминлашга, модернизация, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастури амалга оширилиши, жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунларига тахминий баҳо бериш натижалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Келгуси йил Давлат бюджети самарали инвестиция сиёсати ўтказиш, ишлаб чиқаришнинг ўта муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хўжалик юритувчи субъектлар фао-

лиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш орқали тузилмавий ислохотларни давом эттиришни ва иқтисодий ривожлантиришни назарда тутди. Ҳужжатда ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатнинг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофида муҳокама қилиниб, унда сиёсий партиялар барча фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан

риш мақсадига қаратилган чоратadbирларни рўёбга чиқариш имконини беради. Келгуси йилда солиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ривожлантиришга, умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини, олий ўқув юртларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун катта миқдорда маблағлар ажратилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари жаҳон бозорларидаги ўта номақбул конъюнктура шароитларида мамла-

шунингдек, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга боғлиқдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш, халқимизни сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни ифлослантиришни истисно қилувчи ҳозирги замон техника ва технологияларини жорий этишни ҳам унутмаслик керак. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги айрим корхоналар раҳбарларининг экологик вазият учун жавобгарлигини ошириш зарур. Негаки, фуқароларнинг соғлиғи ва фаровонлиги кўп жиҳатдан айна ана шунга боғлиқ.

Шунингдек, Давлат бюджети харажатлари параметрларининг ижросига доир самарали ишларни ташкил этиш мақсадида минтақаларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан депутатлар иштирокида қатъий назоратни амалга ошириш учун маҳаллий вакиллик органлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлик гуруҳлари салоҳиятидан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси камайтирилганлиги муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Улар кам ҳосилли ерларда пахта толаси етиштирувчи фермер хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш келгуси йилда ҳам давом эттирилишини мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари кўриб чиқилаётган молиявий ҳужжатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига эътиборни қаратдилар. Бюджетдан ажратиладиган катта миқдордаги маблағлар иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини инқироз суръатларига нисбатан илдам ошириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини изчил яхшилаб бо-

катимизнинг экспортчи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Миллий халқ хунарамандчилигини, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳамма жойда мақбул шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини таъкидладилар. Бинобарин, шу орқали нафақат миллий иқтисодий ривожлантиришни, балки яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мумкин бўлади.

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрларига кўра, мамлакат иқтисодий бундан буён ҳам барқарор ривожлантириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, ташқи бозорларда Ўзбекистон Республикаси мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш мақсадини кўзловчи инқирозга қарши чораларни давом эттириш ва чуқурлаштиришга,

Тошкент халқаро Вестминстер университетидан Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси (UzTEA) томонидан олий ўқув юртининг инглиз тили ўқитувчилари, UzTEA аъзолари ва талабалар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда инглиз тилини ўқитишдаги илғор тажрибалар, амалиётга татбиқ этилаётган янги педагогик технологияларнинг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти ва ўқитувчиларнинг ўз устларида мустақил ишлашларига доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

— Ўқитувчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш катта аҳамиятга эга, — дейди UzTEA вице-президенти Баҳром Холиқов. — Зеро, муаллимнинг фаоллиги ва чуқур билимга эгаллиги ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлиги юқори бўлишини

Давра суҳбати

таъминлайди. Шу нуқтаи назардан, тадбирда дардан ташқарида ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашига ёрдам берувчи адабиётлар, халқаро миқёсда тажриба алмашиш, энг сўнгги интерфаол усулларни ўзлаштириш ҳақида фикр алмашилгани муаллимларни фаолликка ундади.

Давра суҳбатида глобаллашув даврида чет тилларни ўзлаштиришнинг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Бугунги ахборий тараққиёт таълим соҳасида ҳам янгиликларга туртки бўлмоқда. Бу эса дарсларни олиб боришда янги



усулларни ўзлаштиришни тақозо этади, — дейди ЎзДЖТУ қошидаги 2-академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Нилуфар Ҳайдарова. — Шу жиҳатдан давра суҳбатининг аҳамияти катта бўлди. Айниқса, тадбирда республиканинг тур-

ли ҳудудларидан келган инглиз тили ўқитувчиларининг иштирок этиши келгусида ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Семинар сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган таълим соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар хусу-

сидаги саволларига мутахассислардан жавоб олдилар.

Тадбирда Инглиз тили ўқитувчилари халқаро ассоциацияси бошқарув кенгаши (Буюк Британия) ваки-

ли Лес Киркхам иштирок этди ва инглиз тилини ўқитиш бўйича халқаро миқёсда тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган сурат.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

Мамлакатимизда юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашимизнинг муҳим омилларидан бири сифатида таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан таълим олишда барча тенг ҳуқуқлидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ва ҳаётга кенг татбиқ этилиши самараси ўлароқ, юртимизда узлуксиз таълим тизими яратилди. Ушбу дастур жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, ҳар томонлама камол топган шахсни вояга етказиш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик-педагогик шароитларни яратишга хизмат қилмоқда.

Ушбу дастур доирасида таълимнинг мутлақо янги босқичи — ўрта махсус, касб-хунар таълимига асос солинди. Таълимнинг ушбу тури меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжни инобатга олган ҳолда реал иқтисодиётнинг барча бўғинлари учун малакали кичик мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юртимизда жаҳон андозалари даражасида барпо этилган ўрта махсус, касб-хунар таълим масканлари ўқувчиларга чуқур, ихтисослаштирилган, касб-хунарга йўналтирилган билим бериш, ўсмир-ёшларнинг касб-хунарга қизиқиши, билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллашга кўмаклашмоқда. Ўтган вақт мобайнида минг-минглаб ёшларимиз ана шундай коллеж ва лицейларни тамомлаб, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳалар, барча жабҳаларда меҳнат қилмоқда. Аини пайтда улар билим олишнинг кейинги босқичи — олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш имконига эга. Жорий йилда умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг 585 минг нафардан зиёди юртимиздаги 142 академик лицей ва 1394 касб-хунар коллежига қамаб олинди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ таълимнинг ушбу бўғинидаги умумий таълим фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари оптималлаштирилди. Бу жараёнда ўрта махсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим ўртасидаги узвийлик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик таъминланди.

— Бугунги кунда таълим тизимининг барча бўғинида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятида Конституция-мизда белгилаб берилган тамойиллар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳме-

дов. — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мантаний давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастурида билим масканларини барпо этиш, мавжудларини капитал ва жорий таъмирлаш, уларни энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва меҳнатини рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш каби бир қатор вазифалар белгиланган эди.

Шу асосда қарийб ўн минг мактабда қурилиш-реконструкция, капитал ва жорий таъмир-

лаш ишлари амалга оширилди, замонавий таълим муассасалари барпо этилди. Билим масканларини бунёд этиш жараёнида уларни замонавий мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари, техник ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида компьютер синфлари, замонавий ахборот-ресурс марказларини ташкил этишга катта аҳамият қаратилмоқда. Мактабларда фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказларининг «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғига уланаётгани ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, маънавий қадриятларни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, таълимга оид илғор иш тажрибаси, услубларини оммалаштириш, билим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишда яқиндан ёрдам бермоқда.

— Мактабимиз «ZiyoNET» тармоғига уланган, — дейди пойтахтимиздаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Бахтиёр Каримов. — Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ўқув кабинетлари — кластер синфлари, ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси илғор технологиялар асосида дарс ўтиш, таълим тизимига оид барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, кўплаб янги дарс ишланмалари, маъруза матнлари, масофавий таълим курслари, дарсликларнинг электрон муқобили билан мукамал танишиш, бошқа ўқув даргоҳлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, кутубхоналар, илмий-маърифий масканлар билан доимий ҳамкорлик қилиш, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини янада оширишда муҳим ўрин тутуди.

Соҳадаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг маҳорати, билим

ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



кахрамони Мавлуда Исматова. — Таълим соҳасига қаратилаётган улкан эътибор самарасида билим масканимиз 2008 йилда тубдан қайта таъмирланди. Замонавий ўқув кабинетлари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ва майдончаси бугун билим олишга иштиёқи баланд ўқувчилар ихтиёрида. Таълим сифати ва мазмунини тобора юксалтириш мақсадида ўқитувчиларнинг касб маҳорати, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фан, бадий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш тўғрисидаги болаларнинг таълимдан ташқари вақтини самарали йўлга қўйиш, маънавий дунёсини асраб-авайлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида болалар спортини ривожлантириш, уларни соғломлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган вақт мобайнида 1123 бо-

лалар спорти иншооти куриб фойдаланишга топширилди. Уларнинг 922 таси қишлоқ жойларда экани чекка ҳудудлардаги болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда катта имкониятлар яратмоқда. Аини пайтда мактаблар қошида 674 спорт зали курилди. Болалар спорти иншоотлари спорт анжумлари ва жиҳозлари, зарур инвентарлар билан таъминлангани самараси ўлароқ, бугунги кунда ўқувчи-ёшлар спортнинг 23 тури билан мунтазам шугулланмоқда.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларда ёшларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, ўғил-қизларнинг жаҳон ва миллий мусиқанинг энг ноёб намуналаридан баҳраманд бўлиши учун кенг имкониятлар яратиш устувор ўрин тутди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва

ва маҳоратини намоён этиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилган. Мусиқий таълимга тўлиқ ихтисослаштирилган ва зарур асбоб-жиҳозлар, ускуналар, техник воситалар билан таъминланган ўқув-машғулот хоналари барпо этилди. Замонавий, қулай ва шинам кабинетлар билан бирга тасвирий санъат, эстрада ижрочилиги, компьютер саводхонлиги бўйича ўқув хоналари болалар учун чинакам совға бўлди.

Маърифий соҳадаги ислохотлар жараёнида махсус мактаб-интернатлар фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инклюзив таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар имконияти чекланган болаларнинг жамиятга мослашуви, ҳаётда ўз ўрнини топиши, қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-хунар эгаллашга йўналтирилган. Таълим-тарбия жараёнида болаларни соғломлаштириш, улардаги хасталикларнинг хавфлилик омилни камайтириш, болаларни ижтимоий, психологик, тиббий реабилитация қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Инклюзив таълимда соғлом ва жисмоний имконияти чекланган болалар биргаликда таълим олади, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг директори Саодат Кўканова. — Бундай таълим алоҳида эҳтиёжга муҳтож болаларнинг жамиятга тезроқ интеграцияла-

шувида, билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқининг ортишида, фанларни пухта ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этади. Таълимнинг ушбу тури болаларда ҳамжиҳатлик, ахиллик, меҳр ва савоат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мактабимизда соғлом ва имконияти чекланган болалар биргаликда таълим олади. Болаларнинг билим эгаллаши, келгусида касб-хунар танлашига оид ижобий кўрсаткичларга эришилаётгани юртимизда инклюзив таълим соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор самараларидандир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёш авлоднинг пухта таълим олиши борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар бераётган бундай самаралар юртимизда ёш авлоднинг буюк аждодларга муносиб ворис, баркамол инсон бўлиб етишиши йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

46 НАФАР ИСТЕЪДОД СОХИБАСИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БОСКИЧИДА БЕЛГИЛАНГАН ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ЎЗ ҚОБИЛИЯТИ ВА САЛОХИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун барча зарур шароитни яратиш, салоҳиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофоти иқтидорли қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашда, уларни янги ижодий ютуқлар сари рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур танлов қизларнинг адабиёт, санъат, маданият, таълим ва фан йўналишларида жиддий изланишлар олиб бораётгани, фаоллиги тобора ошаётганини кўрсатмоқда. Якуний натижага кўра, энг иқтидорли ва зукко номзодлар танловнинг республика босқичига йўллангани қўлга киритди.

МАРФИЛОН ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА «КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУХБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мамлакатимиз Асосий қонуни қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда Фарғона вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўқувчи-ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бунинг учун улар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш, ўқув муассасаларининг ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ўқувчилар ҳуқуқшунослардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ҚЎҚОН ВА МАРФИЛОН ШАҲАРЛАРИДА «ЁШЛАРИМИЗ – ФАХРИМИЗ» МАВЗУСИДА ЁШЛАР МАРАФОНИ ЎТКАЗИЛДИ. МАЗКУР ТАДБИРЛАРДА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ, НАВОИЙ, БЕРУНИЙ СТИПЕНДИЯСИ СОХИБЛАРИНИНГ ТУРЛИ МАВЗУЛАРДАГИ ЧИҚИШЛАРИ БАРЧАДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ.

Шунингдек, «Спортимиз – фахримиз» лойиҳаси бўйича Қўқон шаҳрининг таниқли спортчилари ўзларининг чиқишларини ҳавола этди.

Таниқли сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамасиддиқ Ширяев бошчилигидаги бир гуруҳ сўз усталари барча томошабинларга яхши кайфият улашдилар.

Мухтасархон **КАРИМОВА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ, РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ ВА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА «КОНСТИТУЦИЯМИЗ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» ШИОРИ ОСТИДА РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Дастлаб фото йўналишида «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» мавзусидаги кўргазмалар намойиши бўлиб ўтди. Композицияларнинг жонлилиги, соя ёруғлигидан тўғри фойдаланиш, фотосуратларнинг сифатига ижобий таъсир этиши алоҳида эътироф этилди.

Бундай тадбирлар таълим-тарбия сифатини оширади — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси Тўхтамурод Содиқов. — Танлов нафақат ўқувчилар, балки, ўқитувчилар, ота-оналарни ҳам қўллаб-қувватлашдан бохабар этди. Номинациялар бўйича голибликни қўлга киритган иштирокчиларга турли даражадаги диплом, фахрий ёрлик, эсдалик совғалари топширилди.

Умумжамоа ҳисобида эса Хоразм вилоятидан келган қатнашчилар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Навоий вилояти вакилларига иккинчи ўрин насиб этди. Пойтахтлик ёш ижодкорлар эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Анвар **ҚОБИЛОВ**, «Ma'rifat» муҳбири

НОЯБРЬ – РУС ТИЛИ ФАНИ ОЙЛИГИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ШОВОТ ТУМАНИДАГИ 2-МАКТАБДА КЎПЛАБ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Ойликда буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ва рус шоири А.С.Пушкин ижоди бўйича 7-синф ўқувчилари орасида рефератлар, шунингдек, «Ўзбекистон — менинг Ватаним» мавзусида иншолар танловлари ўтказилди. 7-синф ўқувчиларидан Динара Эгамберганова, Ўғилой Одамбоева, Шоҳсанам Тожибоева, Андрей Тю, Роман Шохабдинов голиб бўлди.

7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Қуз шоирлар нигоҳида» деб аталган билимдонлар беллашувида иқтидорли ёшларнинг қобилияти намоён бўлди.

Рус тили фани ойлигини мазмунли ўтказиш мақсадида белгилаб олган тадбирларнинг қизиқарли ўтишида барча фан ўқитувчилари ҳисса қўшишмоқда.

Наталья **БЕЛОВА**, шу мактаб ўқитувчиси



САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТ МАРКАЗИДА «КОНСТИТУЦИЯМИЗ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ» ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСКИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ғолиблар сафидан жой олишга интилаётган ўқувчиларнинг Конституциямиз ҳақидаги саволларга берган жавоблари мазмунли. Туман босқичи ғолиблари асосан уч йўналишда баҳслашишди. Иншолар танловида Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Шоҳсанам Акбарова, тасвирий санъат йўналишида эса Самарқанд шаҳридаги 21-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Фотиما Ҳусеновалар голиб деб топилди, танловнинг республика босқичига йўллангани қўлга киритишди. Видеороликлар йўналиши бўйича Самарқанд туманидаги 26-умумтаълим мактаби жамоасига омад кулиб боқди.

Мамадали **ЖАЛИЛОВ**

ГУЛИСТОН ТУМАНИДАГИ 9-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИГА ЯПОНИЯНИНГ «КИЧИК МАСШТАБЛИ ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲА» ДАСТУРИ ГРАНТИ АСОСИДА ҚИЙМАТИ 48,69 МИНГ ДОЛЛАР ҲАЖМИДА ЎҚУВ МЕБЕЛЛАРИ, КОМПЬЮТЕР, МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИ, СПОРТ ИНВЕНТАРЛАРИ, ОШХОНА АНЖОМЛАРИ, ТИКУВ МАШИНАЛАРИ КЕЛТИРИБ БЕРИЛДИ.

Айни пайтда барча жиҳозлар мутахассислар томонидан меъёрий талаблар асосида ўрнатилиб, ўқувчиларнинг чуқур билим олиши қаторида хунар сирларини ҳам эгаллашларига шароит яратилмоқда.

Грантнинг берилиши мактабимизда ўқув-тарбия ишларининг фаоллашуви, таълим мазмуни ва самарадорлигининг янада ортишига қўшимча имкон яратмоқда, — дейди мактаб директори Мирҳайдар Мирзабеков.

Педагогик жамоа мактабдаги жиҳозлардан самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб олган.

Бойжигит **АБДУЛЛАЕВ**, «Ma'rifat» муҳбири

ИНСОНИАТ ЯРАЛИБДИКИ, САЛОМАТЛИГИГА ХУРУЖ ҚИЛУВЧИ ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КУРАШИБ КЕЛАДИ. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЙ ТОПГАНИ САРИ, ЖУМЛАДАН, ТИББИЁТ СОҲАСИДА ҲАМ КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАР ҚЎЛГА КИРИТИЛМОҚДА. КЕЧА БАЪЗИ КАСАЛЛИКЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ, ДАВОЛАШ БОРАСИДА ТУФИЛГАН САВОЛЛАР, МУАММОЛАРГА БУГУН ҚАТЪИЙ ЖАВОБЛАР АЙТИЛИБ, АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА.

Яқинда ташкил этилган республика илмий-амалий конференциясида жам бўлганлар «Тушқунлик ҳолати (депрессия): унинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашга янги ёндашув» мавзусидаги янги илмий изланишлар ва уларнинг натижалари юзасидан баҳс юритишди. Бу хусусда тиббиёт фанлари доктори Шаҳноза Мағзумова ва профессор Ёқутхон Мажиदвалар маъруза қилишди.

— Анжуман давомида биз юқорида зикр этилган касалликларни аниқлашда қўлланиладиган замонавий технологиялар, даволашда ишлатиладиган янги дори-дармонлар, илғор муолажа усуллари хусусида атрофлича маълумотларга эга бўлдик. Сўз олганлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашишди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси 1-босқич неврология бўлими клиник ординатори Зулайхо Болтаева. — Бу билимлар биз бўлажак ёш шифокорлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шоҳсанам **НИЁЗОВА**, ЎзДЖТУ талабаси

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ 3-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ЖАҲОН БАНКИ КРЕДИТИ АСОСИДА ҚЎШИМЧА ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИЖОБИЙ САМАРАСИНИ КЎРСАТМОҚДА.

— Қулай шарт-шароит барча тарбиячи-ю кичкинтойларни қувонтиради, — дейди Н.Зиёдова. — Турли уйинчоғу қўғирчоқлар болажонлар дунёқарашини бойитишга хизмат қилмоқда. Улар кичкинтойларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муассасада бугунги кунда 50 нафар кичкинтой 3та гуруҳда тарбияланмоқда. Тарбиячилар Феруза ва Дилдора Шаймановалар ясаган уйинчоқлар болажонларнинг кўнглига жуда яқин. Муассасанинг ранг танлаш, мусиқа, спорт, дам олиш хоналарида ҳам етарли шароит яратилган. Юзида хушнудлик барқ уриб, шодон куй-қўшиқ жўрлигида рақога тушаётган болажонларни кўриб, бугунги тинч ва фаровон кунларга шукрона айтасиз.

Ўқтам **МЕЙЛИЕВ**

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БУВАЙДА ТУМАНИДАГИ 42-МАКТАБДА «БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУСИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ.

Унда спортнинг 4 тури — кураш, футбол, волейбол ва стол тенниси бўйича юқори синф ўқувчилари куч синашдилар. Мурасасиз баҳсларга бой бўлган мазкур мусобақада 9"А"-синфнинг футболчи йигитлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Волейбол бўйича эса 7"Б"-синф ўқувчиларининг олдига тушадигани топилмади. Мактаб жамоаси учун ўзига хос байрам кўринишини олган ушбу мусобақа ўқитувчиларни-да баҳсга чорлади. Спорт майдонига тушган ўқитувчилар мусобақага янада кўтаринки кайфият бахш этган бўлса, аёллар ўртасидаги волейбол ўйини ўқувчи қизларни ҳам майдонга чорлади.

— Мактабимизда спорт ўйинларига алоҳида аҳамият қаратилган, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Т.Отажонов. — Ўқувчиларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт тўғрақлари ишлаб турибди. Жисмоний тарбия фанига қўшимча равишда тўғарақларда машғулот олиб борган ўқувчиларнинг ютуқлари ҳам шунга яраша бўляпти. Ўқувчиларимиз юзимизни ёруғ қилиб, муносиб ўринларни қўлга киритишмоқда. Галдаги мақсадимиз эса туман биринчилигида голибликни қўлга киритишдан иборат.

МУҲБИРИМИЗ

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida «Milliy g'oya» turkumiga kiruvchi fanlar oyiligi dekabr oyida o'tkaziladi.

«Odobnoma», «Vatan tuyg'usi», «Milliy istiqloq g'oyasi» va ma'naviyat asoslari» fanlaridan o'tkaziladigan an'anaviy fan oyliklarida nimalarga e'tibor qaratish lozim?

Jamiyat hayotiga daxldor bo'lgan ma'naviy tushunchalar, axloq-odob negizlari va me'yorlarini o'quvchilar ongiga yetkazish o'qituvchilarning eng asosiy vazifasi ekanini ma'lum. Shu nuqtai nazardan, o'qituvchi ushbu fanlar oyiligi davomida o'z faoliyatiga yanada kengroq ahamiyat qaratishi talab etiladi.

O'tgan yillar mobaynida mustaqil O'zbekiston Respublikasining jahon hamjamiyatidagi siyosiy, iqtisodiy mavqei tobora yuksalib borayotgani; globalashuv jarayonlarining kuchayishi va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining ildam taraqqiyoti yutuqlar bilan bir qatorda turli «chegara bilmas» muammolarning kelib chiqishiga ham sabab bo'layotgani, bu holat boshqa mamlakatlar qatori yurtimizga ham o'z ta'sirini o'tkazayotgani; yosh avlodni ma'naviy tahdidlardan himoya qilish, ularni barkamol voyaga yetkazish borasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli ishlar haqida oylik jarayonida o'tkaziladigan dars, konferensiya va davra suhbatlarida keng tushuntirish berish maqsadga muvofiq.

Umumta'lim maktablarida o'tkazilayotgan sinfdan tashqari

MUSTAQILLIK INSHOOTLARIGA SAYOHAT

Fan oyiligining amaliy mashg'ulotlarga boy o'tishini ta'minlaydi

tadbirlarda ham yoshlar ongiga milliy g'urur, milliy iftixor, Vatanga muhabbat va istiqloq g'oyalariga sadoqat ruhi singdirib boriladi. Fan oyiligi tayyorgarlik noyabr oyining oxirgi haftasida fan bo'yicha o'quvchilar bilim darajasini test orqali aniqlash bilan boshlanadi.

Ish rejasi quyidagi to'rt yo'nalishda tuziladi: **Tashkiliy ishlar haftasi; "Ochiq eshiklar" kuni va tadbirlar haftasi; sinfdan tashqari ishlar bo'yicha tadbirlar haftasi; fan oyiligining yakunlash haftasi.**

Tashkiliy ishlar haftasida maktab buyrug'i va chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqiladi. Maktab va fan xonalarini oylikka moslab jihozlash maqsadga muvofiq. O'quvchilarning fan oyiligidagi erishgan bilim samaradorligini solishtirish maqsadida sinflar kesimida o'quvchilardan milliy g'oya turkumiga kiruvchi fanlardan nazorat ishlari (test savollari asosida) o'tkazilishi tavsiya etiladi.

"Ochiq eshiklar" kuni va tadbirlar haftasida sinflar kesimida ochiq darslar mavzusi

ro'yxati va tadbirlar rejasi tuzilib, maktabning ko'rinarli joylariga, o'qituvchilar xonasiga ilib qo'yiladi. Ochiq darslarga qo'shni maktab fan o'qituvchilari, ijtimoiy fanlar yo'nalishidagi o'qituvchilar, yetakchilar, direktor o'rinbosarlari, mahalla faollari va ota-onalar taklif qilinadi.

"Ochiq eshiklar" kuni va tadbirlar haftasida

Konstitutsiyamiz qabul qilingan sana - 8 dekabr kuniga bag'ishlab o'tkaziladigan tadbirning o'quvchilar xotirasida uzoq saqlanib qolishiga erishish uchun alohida tayyorgarlik ko'riladi.

Sinfdan tashqari ishlar bo'yicha tadbirlar haftasida ma'naviy tahdidlar haqida tushuncha beriladi. "G'oyaga qarshi - g'oya, fikrga qarshi - fikr, jaholatga qarshi - ma'rifat" degan qarash asosida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar tashkil etish tavsiya etiladi.

Bunda "Ommaviy madaniyat" niqobi "Bir bolaga yetti qo'shni ota-ona", "O'zbekiston - yagona vatan", "Ma'naviy meros - barkamol avlod tarbiyasi" kabi

mavzularda yuqori sinf o'quvchilari bilan fan o'qituvchilari, mahalla faollari, din vakillari va ichki ishlar bo'limi xodimlari ishtirokida suhbatlar tashkil etish rejalashtiriladi.

5-6-sinf o'quvchilari o'rtasida "Vatanimiz timsollari", "O'zbekiston - Vatanim manim!", boshlang'ich sinflar o'rtasida "Donolar o'g'itlari" kabi mavzularda intellektual musobaqa va sahna ko'rinishlari, o'quvchilar tomonidan tayyorlangan ijodiy ishlar, rasm, plakat, referat, bukletlar ko'rgazmasini tashkil qilish hamda yurtimizda Mustaqillik yillarida barpo etilgan inshootlarga sayohat uyushtirish o'quvchilarda Vatan tuyg'usini yuksaltiradi.

Fan oyiligi yakunida o'qituvchilar o'quvchilarning BKMLarini test orqali aniqlaydilar. Ularni oldingi oyda olingan test natijalari bilan taqqoslash lozim. O'quvchilar o'rtasida anketa savollarini o'tkazish, test natijalarini aniqlangan bo'shliqlarni bartaraf etish bo'yicha qo'shimcha darslar tashkil etib, tavsiyalar ishlab chiqiladi. So'rovnoma asosida chora-tadbirlar ko'riladi va fan oyiligining tantanali yopilish marosimi o'tkaziladi. Tadbirlarda faol ishtirok etgan o'quvchilar alohida rag'batlantiriladi.

Fan oyiligi doir hujjatlar belgilangan tartibda respublika Ta'lim markazining ijtimoiy fanlar bo'limiga taqdim etiladi.

F.XOLMIRZAYEVA,
RTM ijtimoiy fanlar bo'limi bosh metodisti

(Davomi. Boши 1-бетда.)

Насиба опанинг ўгли Элдор туғма касаллик — остогенез билан дунёга келди. Шифокорлар боланинг тана ҳаракатини таъминловчи таянч суякларини 16-17 ёшларга бориб мустаҳкамлашни айтиб, ҳозирча уни авайлаб-асраш зарурлигини таъкидлашди. Шу боис Элдор мактаб ёшига етгач, ўз уйида яқка тартибда таълим ола бошлади.

Бугунги кунда у Шайхонтоҳур туманидаги 320-мактабнинг 6-синф ўқувчиси. Интилувчан ва тиришқоқ. Деярли ҳар куни уйларига келиб меҳр билан дарс берувчи устозларини яхши кўради, барча фанларни ҳунт билан ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Бола давлатимиз томонидан ўзига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, иқтидорини намоён этиши учун яратилаётган имкониятлардан миннатдор. Айниқса, Элдор бу йил ўзига компьютер совға қилинганидан боши осмонда. Энди у ҳам замон билан ҳамнафас яшаши, бошқа тенгдошлари каби фан-техниканинг сўнги ютуқларидан фойдаланиб, билимларини такомиллаштириши мумкин.

— Бўш вақтларимда расм чизишга қизиқаман, — дейди Элдор. — Суратларимда уй ҳайвонларини, табиат гўзалликлари ва ҳар хил ўйинлар ўйнаётган болаларни тасвирлашга интиламан. Компьютерга эга бўлганимдан кейин «Point» график дастурида ишлашни ўрган-

ҲАР БИР ФАРЗАНД ЭЪЗОЗДА

дим. Бу билан расм чизишга қизиқишим янада кучайиб, маҳоратим ошмоқда. Айниқса, ушбу дастур орқали севимли мультфильм қаҳрамонларини тасвирлаш менга жуда ёқади.

— Элдор расмларни ўзига хос қизиқиш ва мароқ билан чизади. Суратларида болаларча беғуборлик, самимийлик уфуриб туради. Шу боис, мактабимизда ўтказилган бир неча кўриктанловларда у чизган расмлар кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлган, — дейди рассомлик тўғраги раҳбари Жаҳонгир Бадалов. — Жисмоний жиҳатдан имконияти чекланганлик — бу қобилиятсизлик дегани эмас. Шундай экан, бундай болаларни қўллаб-қувватлаб, руҳини кўтариш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириб, иқтидорини рўёбга чиқариш мумкин.


Бу жараёнда ижтимоий химоя сиёсати бир томондан, жамиятнинг барча аъзоларини, иккинчи томондан эса жамиятнинг алоҳида қатламдаги аъзолари химоясини таъминлаш билан намоён бўлмоқда. Жумладан, имконияти чекланган ёшларнинг малакали таълим-тарбия олишлари учун етарли шарт-шароит яратиш, улар истеъдодини

рўёбга чиқариш, ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин мисолидир.

Жорий «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам имконияти чекланган ўқувчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларни фаол ҳаётга жалб этиш мақсадида компьютер ва мультимедиа дастурлари билан таъминлаш, масофадан туриб ўқитиш тизимини яхшилаш кўзда тутилган.

Халқ таълими вазирлиги Болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш шўъбасидан олинган маълумотларга кўра, республикада таълим муассасаларида 5—9-синфларда уйда яқка тартибда таълим олаётган ўқувчилар сони 5408 нафар бўлиб, улардан 1868 нафарини давлат дастури асосида шахсий компьютер билан таъминлаш режалаштирилган. Бугунги кунгача имконияти чекланган 1013 нафар ўқувчи ўз компютерига эга бўлди. Шундан 320 бола «ZiyoNet» тармоғидан фойдаланиш, масофавий таълимдан баҳраманд бўлиш имкониятига эга. 17 фан дарсликлари ҳамда юздан ортиқ бадий асарлар электрон вариантларининг компьютерда мавжудлиги

2010-yil — Barkamol avlod yili



ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ва муайян касбунарга қизиқишларини бойитишда катта роль ўйнаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, ўз уйларида яқка тартибда махсус таълим олаётган ўқувчиларга давлат томонидан парта, стол-стул, доска ва зарур ўқув анжомлари бепул етказиб берилмоқда.

Юртимизда ҳар бир боланинг таълим олиши, қонунларда белгиланган барча турдаги имтиёزلардан фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, 2003 йили Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари

ҳамкорлигида узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг яқка тартибдаги таълимини ташкил этиш борасида услубий йўриқнома ишлаб чиқилган эди. Унда энг муҳим ташкилий ишлар-

дан тартиб, машғулотлар давомида эътибор берилиши керак бўлган турли касалликларнинг ўзига хос жиҳатларига кўрсатиб берилган. Кейинги йилларда махсус таълимга оид ўқув-методик адабиётлар ишлаб чиқиш ва чоп этишнинг кўпайгани, болаларга уйда таълим бераётган ўқитувчиларга йўлқира учун қўшимча ҳақ белгиланиши, уларга ўриндошлик асосида ишбай ҳақ тўлашдан тарификация бўйича ойлик маош беришга ўтилиши таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

ФАН ОЛИМПИАДАСИ БОШЛАНМОҚДА

илк босқич тайёргарлиги якуний синовлар муваффақияти гарови

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўшма буйруққа кўра, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаси босқичлари юқридаги вазирлик ва тегишли идораларнинг кўшма қарори асосида тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2009 йил 2 июнда 1962-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида Низом" асосида ўтказилади.

Шундан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқув-

чиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби, Республика олимпиадаси босқичларини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ҳамда тadbирлар режаси тасдиқланди.

Шунингдек, умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини ўтказишга масъул тегишли вазирлик ва ташкилотларига фан олимпиадаларининг I, II, III босқичларини ўтказиш жараёнини қатъий назоратга олиш; олимпиада Низомида белгиланган умумтаълим фанлари бўйича ёзма, амалий ва тест топшириқлари ҳамда махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари (Брайль усулидаги ёзув асосида) фан олимпиадасининг III босқичи учун 2011 йил 20 март, IV босқичи 2011 йил 1 майга қадар малакали мутахассислар, олимлар, методистлар ҳамда тажрибали ўқитувчиларни жалб этган ҳолда, саволларнинг

сифати, кўп вариантлилиги ва махфийлиги алоҳида эътибор берган ҳолда материалларни тайёрлаш ва бошқа зарур вазифалар юклатилди.

Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан 2009 йил 20 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 45/ҚБ, Халқ таълими вазирлигининг 317-сонли ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 34/ҚБ-сонли кўшма буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши таъкидланди.

Кўйида мазкур кўшма буйруқ асосида тасдиқланган «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш тартиби» ҳамда «Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари» эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари умумтаълим фанлари бўйича Республика

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 18 Қ/К, 20, 13 Қ/Қ-сонли кўшма қарорлари билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2009 йил 2 июнда 1962-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисида Низом" асосида ишлаб чиқилди.

Фан олимпиадалари тўрт босқичда ўтказилади:

| Олимпиада босқичлари | Босқич қамрови | Ўтказиш муддати |
|----------------------|--|------------------------|
| I босқич | Ўқиш жойи бўйича | 25 ноябрь — 10 декабрь |
| II босқич | Туман (шаҳар)ларда | 2—12-январь |
| III босқич | Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида | 25—30 март |
| IV босқич | Республика бўйича | 15—30 май |

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5—8-синфларида кичик фан олимпиадалари куйидаги фанлардан ўтказилади:

| № | 5-синфларда | 6-синфларда | 7-синфларда | 8-синфларда |
|----|--|--|--|--|
| 1. | она тили ва адабиёт | она тили ва адабиёт | она тили ва адабиёт | она тили ва адабиёт |
| 2. | рус тили ва адабиёти | рус тили ва адабиёти | рус тили ва адабиёти | рус тили ва адабиёти |
| 3. | математика | математика | математика | математика |
| 4. | ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) | ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) | ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) | ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун) |
| 5. | ботаника | физика | физика | физика |
| 6. | география | тарих | тарих | тарих |
| 7. | | | | биология |
| 8. | | | | чет тили |

Изоҳ: ўқувчиларнинг қизиқиши, юқори малакали ўқитувчилар, фан хоналарининг мавжудлиги ҳисобга олиниб, бошқа фанлардан ҳам кичик олимпиадалар ўтказилиши мумкин.

Академик лицей, касб-хунар коллежларининг I—III курс, умумий ўрта таълим мактабларининг 9—11-синф ўқувчилари ўртасида олимпиада куйидаги фанлардан ўтказилади:

1. Она тили ва адабиёт
2. Қорақалпоқ тили ва адабиёти (Қорақалпоғистон Республикасида)
3. Ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)
4. Рус тили ва адабиёти (ўзбек ва бошқа қардош тилларда ўқитиладиган гуруҳларда)
5. Рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)
6. Қозоқ тили ва адабиёти
7. Тожик тили ва адабиёти
8. Инглиз тили
9. Француз тили
10. Немис тили
11. Математика
12. Физика
13. Биология
14. Кимё
15. География
16. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари
17. Чизмачилик
18. Хуқуқшунослик
19. Тарих
20. Иқтисодий билим асослари

21. Она тили ва адабиёт (махсус мактаб-интернатларда).
22. Математика (махсус мактаб-интернатларда)

Фан олимпиадаларини ўтказиш кўни, олимпиада турларини ўтказиш кетма-кетлиги ташкилий кўмита томонидан белгиланади ва тасдиқланган махсус жадвал асосида ташкил этилади.

Ўқувчилар томонидан бажарилиши лозим бўлган топшириқларга ажратилган вақт ва уларга қўйиладиган баллар фанлар бўйича тайёрланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади. Олимпиада ўтказиладиган фанлар бўйича баҳолаш мезонлари Республика ташкилий кўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва кўшма буйруқ билан тасдиқланади.

Барча фанлар бўйича голиблар баҳолаш мезонлари асосида аниқланади. Голибликка даъвогар ўқувчиларнинг умумий тўплаган баллар йиғиндиси тенг бўлиб қолганда, уларга қўшимча 5тадан тест топшириқлари берилади. Мазкур 5та тест саволларига берилган жавоблар баллари тенг бўлса, голиб аниқлангунга қадар тест синовини давом эттирилади.

Ота-оналар вакиллари қуръа ташлаш йўли билан аудиторияга тақсимланади. Иштирокчи ўқувчи ва унинг ота-онаси бир аудиторияда бўлиши тақиқланади.

Олимпиада синовига белгиланган вақтдан кечикиб келган иштирокчи ўқувчилар аудиторияга киритилмайди.

Фан олимпиадаси жараёнида

белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилмаган ўқувчи аудитория раҳбари ва назоратчилар далолатномаси асосида олимпиадadan четлаштирилади. Бу ҳақида тегишли далолатнома тузилиб, уни аудитория раҳбари ва назоратчилар имзолайдилар. Ушбу далолатномалар ҳакамлар хайъати раисига топширилади.

Эслатма: ўқувчилар олимпиада бошланиши олдида зарурий ҳолат ишларини бажаришлари ҳақида огоҳлантирилади. Ёзма иш ва тест пайтида ўқувчиларнинг аудиториядан чиқиши тақиқланади. Аудиториядан чиққан ўқувчи қайта тест синовларига қўйилмайди. Ёзма ишлар ва тест синовини давомида ўқувчиларнинг бир-бирлари билан гаплашиши, жавобларни бир-бирига кўрсатиши, китоблардан, калькуляторлардан, уяли телефон алоқа воситаларидан фойдаланиши ва бошқаларга кўмаклашиши тақиқланади.

I. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичини ўтказиш тартиби

Фан олимпиадасининг биринчи босқичини ўтказиш масъулияти академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари директорлари зиммасига юкланади.

Мазкур босқичда тарих, хуқуқшунослик, иқтисодий билим асослари фанидан олимпиада бир

турда (тест синовини), математика, информатика, география ва чизмачилик фанидан олимпиада икки турда (тест синовини, амалий иш), она тили ва адабиёт, ўзбек тили (таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда), рус тили ва адабиёти (ўзбек ва бошқа тилларда ўқитиладиган гуруҳларда), рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида), инглиз, немис, француз, қозоқ ва тожик тили ҳамда қорақалпоқ тили ва адабиёти фанлари уч турда (тест синовини, оғзаки ва ёзма), физика, биология, кимё фанларидан уч турда (ёзма иш, лаборатория иши, тест синовлари) ўтказилади.

Фан олимпиадасининг биринчи босқичида ёшидан қатъи назар, қатнашиш истагини билдирган академик лицей, касб-хунар коллежларининг I—III курс ўқувчилари ва барча турдаги умумтаълим мактабларининг 5—11-синф ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.

Олимпиаданинг биринчи босқичида ўқувчиларга бир ёки икки фандан ўз имкониятларини синов кўришлари учун шароит яратилади. Олимпиаданинг қолган босқичларида ҳар бир ўқувчи ўзи истаган ва энг яхши натижаларга эришган фақат битта фан бўйича иштирок этиши мумкин.

Академик лицей, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида олимпиадани ўтказиш бўйича ташкилий кўмита тузилади. Ташкилий кўмитага академик лицей, касб-хунар коллежи, умумтаълим мактаби директорлари раислик қилади. Кўмита аъзолари 5-7 кишидан иборат бўлади.

Ҳакамлар хайъати таркибини шакллантиришда кўшма академик лицей, касб-хунар коллежи, умумтаълим мактаби билан ўзаро мутахассис алмашиш тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳакамлар хайъати аъзолари сони 3-5 нафарни ташкил этиши керак. Академик лицей, касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабида ўтказиладиган олимпиада жадвали тасдиқланиб, кўринарли жойга олимпиада ўтказилишидан камида 10 кун олдин осиб қўйилади. Жадвал нусхаси назорат учун ўрта махсус, касб хунар таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимига топширилади.

5—8-синф ўқувчилари учун тест синовини, ёзма иш ва амалий топшириқлар мактаб метод-бирлашмалари томонидан тузилиб, мактаб ташкилий кўмитаси томонидан тасдиқланади.

5—8-синфларда олимпиада топшириқларини бажаришни бир кунга 2 соатдан ошмаган ҳолда ўтказиш тавсия этилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг I—III курс ва умумтаълим мактабларининг 9—11-синф ўқувчилари учун тест синовини, ёзма иш ва амалий топшириқлар мос равишда ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими бўлими методика кабинетлари, вилоят педагог-

ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Ушбу материаллар ташкилий кўмита томонидан тасдиқланиб, махфийлиги таъминланади ва жойларга фан олимпиадаларини ўтказиш кўни етказилади.

Фан олимпиадаларининг биринчи босқич натижалари таълим муассасасининг педагогика кенгашиларида муҳокама этилади, голибларнинг олимпиада II туман (шаҳар) босқичида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади ва 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган голибларнинг II босқичида иштирок этиши ҳақидаги буюртмалари олимпиаданинг иккинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмитага тақдим этилади. Биринчи босқич голиб ўқувчилари академик лицей ёки касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари маъмурияти томонидан рағбатлантирилади.

II. Фан олимпиадаларининг иккинчи босқичини ўтказиш тартиби

Фан олимпиадасининг иккинчи босқичини ўтказиш масъулияти ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбарлари зиммасига юкланади.

Мазкур босқичда олимпиада математика, информатика, тарих, хуқуқшунослик, иқтисодий билим асослари, география ва чизмачилик фанидан икки турда (тест синовини, амалий иш), она тили ва адабиёт, ўзбек тили (таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда), рус тили ва адабиёти (ўзбек ва бошқа тилларда ўқитиладиган гуруҳларда), рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида), инглиз, немис, француз, қозоқ ва тожик тиллари ҳамда қорақалпоқ тили ва адабиёти фанларидан уч турда (тест синовини, оғзаки ва ёзма иш), физика, биология, кимё фанларидан уч турда (тест синовини, ёзма иш, лаборатория иши) ўтказилади.

Иккинчи босқичда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг II—III курс ва умумтаълим мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари иштирок этади. Иккинчи босқич учун тест синовини, ёзма иш ва амалий топшириқлар ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари ҳамда Вилоят методика марказлари, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Ушбу материаллар туман (шаҳар) босқичини ўтказиш бўйича ташкилий кўмита томонидан тасдиқланиб, махфийлиги таъминланади ва жойларга фан олимпиадаларини ўтказиш кўни етказилади.

Фан олимпиадаларининг иккинчи босқич натижалари туман ташкилий кўмитасида муҳокама этилади, голибларнинг III вилоят олимпиадасида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади ва олимпиада ўтказиладиган фанлардан I, II, III ўринларни эгаллаган голиблар-

нинг учинчи босқичда иштирок этиши ҳақидаги буюртмалар олимпиаданинг III босқичини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмитага тақдим этилади.

Иккинчи босқич голиб ўқувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан рағбатлантирилади.

Таълим муассасалари сони кўп ёки кам ва ўртасидаги масофа узок бўлган ҳолатларда туман босқичидан олдин ташкилий кўмитанинг қарорига асосан ҳудудларга бўлиб ўтказиш амалга оширилади.

III. Фан олимпиадаларининг учинчи босқичини ўтказиш тартиби

Фан олимпиадаларининг учин-

чи босқичини ташкил этиш ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

V. Ёзма ва амалий иш

Кўп вариантлик асосида тайёрланган ёзма (амалий) иш топшириқлари махфийлиги сақланган ҳолда муҳрланган конвертда Республика ташкилий кўмита аъзоси (Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Халқ таълими вазирлигининг масъул вакиллари) томонидан олимпиада ўтказиладиган жойга 8.00 да олиб келинади.

Муҳрланган конвертлар ҳакамлар ҳайъати, Республика ташкилий кўмита аъзолари ва аудитория раҳбарлари иштирокида очилади.

Аудиторияга таклиф қилинган олимпиада иштирокчиларига уларнинг ёзма (амалий) ишлари 5 дақиқа давомида танишиб чиқиш учун тарқатилади. Зарур ҳолларда ҳакамлар ҳайъати аъзолари ёзма (амалий) иш натижалари юзасидан тушунтиришлар беради.

Ёзма (амалий) иш натижаси бўйича оғзаки тушунтиришдан қоникмаган ўқувчилар ёзма (амалий) иш натижалари эълон қилинган хонадан чиқмасдан туриб апелляция комиссияси раиси номига ёзма равишда ариза беришлари мумкин.

Барча фанлардан ўқувчиларга қоралама учун штампли қоғоз берилади. Хонадан чиқишда бу ишчи қоғозлар қолдирилади. Қоралама қоғозлар ҳужжат деб ҳисобланмай-

нома тузилиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан имзоланади.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари материалларни иштирокчиларга тарқатиб, уларга:

- ҳар бир тест саволига А, В, D, E жавоб берилган бўлиб, ўқувчилар улاردан фақат битта тўғриси ни топиши ва белгилаши кераклиги;

- қатнашчининг исми, фамилиясини сарвараққа қайд этиш лозимлиги;

- жавоби ёзиладиган тестларнинг жавобини ручка билан ёзиб қўйиш кераклиги тўғрисида тушунтиришлар беради.

Жараён бошланганидан сўнг ҳакамлар ҳайъати хонани тарқ этишади. Аудиторияда назоратчилар ҳамда ота-оналардан вакил қолади.

Қайдномага ўқувчилар фамилиялари киритилганидан сўнг, тест синовлари натижалари ҳакамлар ҳайъати раиси томонидан ўқувчиларга эълон қилинади.

VII. Физика, кимё ва биология фанларидан лаборатория ишлари

Ташкилий кўмита томонидан кўп вариантлик асосида тайёрланган лаборатория ишлари номи ёзилган муҳрланган конвертлар аудитория раҳбарлари иштирокида очилади. Сўнгра конвертлардаги лаборатория ишлари экспертизадан ўтказилиб, битта саволдан иборат вариант шакллантирилади. Мазкур вариантдан олимпиадада фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳакамлар ҳайъати томонидан да-

ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг олимпиада босқичларини ўтказиш тартиби

чи босқичини ташкил этиш ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юкланади.

Мазкур босқичда олимпиада физика, биология, кимё фанларидан уч турда (тест синови, ёзма иш, лаборатория иши), қолган фанлар икки турда (ёзма (амалий) иш ва тест синови кўринишида) ўтказилади.

Учинчи босқичда қатнашган ўқувчилар томонидан бажарилган ишлар вилоят ташкилий кўмитаси томонидан чуқур таҳлил этилади. Фанлар бўйича голиб бўлган ўқувчиларнинг бажарган тест топшириқлари, ёзма (амалий) иш топшириқлари ҳамда тавсия этилган бошқа ҳужжатлар беҳато расмийлаштирилган ҳолда бевосита Республика ташкилий кўмитасининг вакилига олимпиада тугаган куннинг эртасига вилоят ташкилий кўмитаси раиси ёки масъул котиби томонидан шахсан топширилади.

Ҳужжатлари ўз вақтида топширилмаган жамоа аъзоси тўртинчи босқич олимпиадаларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари, олимпиаданинг учинчи босқичида голиб бўлган ўқувчиларни Республика босқичига уюшқонлик билан тайёрлаш мақсадида барча ташкилий чораларни кўради.

Фан олимпиадаларининг III босқичида тест-синовлари, ёзма (амалий) ишлардан жами 76—100 балл оралиғида балл тўплаб 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг III курс ўқувчилари ҳамда умумтаълим мактаблари (шу жумладан айрим фанлар чуқурлаштирилб ўқитиладиган итисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар)нинг 11-синф ўқувчилари фан олимпиадаларининг IV босқичига кўйилади.

IV. Фан олимпиадаларининг тўртинчи босқичини ўтказиш тартиби

Фан олимпиадаларининг IV босқичини ташкил этиш ва ўтказиш масъулияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигига юкланади.

Фан олимпиадаларининг тўртинчи босқичи икки турда (ёзма иш ва тест синови кўринишида) ўтказилади.

Тайёрланган топшириқлар ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан олган назарий билим, амалий кўникма ва малакалари, имло саводхонлиги даражаси, имсо ва масалаларни еча олиш маҳоратини аниқлашга ёрдам бериши лозим.

Сўнгра ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан конвертлардаги саволлар экспертизадан ўтказилиб битта вариант шакллантирилди. Мазкур вариантдан олимпиадада фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳакамлар ҳайъати томонидан далолатнома тузилади ва имзоланади.

Ёзма (амалий) ишларнинг Давлат таълим стандартларига мос равишда, мазмунан тўғри ва хатоларсиз тайёрланганлиги масъулияти тўлиқ ҳакамлар ҳайъати зиммасида бўлади.

Ҳакамлар ҳайъатининг ўзлари билан олиб келган топшириқларини олимпиада материалларига киритиш тақиқланади.

Экспертизада иштирок этган ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг олимпиада бошлангунга қадар экспертиза ўтаётган хонадан чиқишлари тақиқланади.

Аудитория раҳбари, ҳакамлар ҳайъати раиси экспертизадан ўтказилган ёзма (амалий) иш вариантини нусха кўпайтириш мосламаси ёрдамида ўқувчилар сонига тенг миқдорда кўпайтиради. Аудитория раҳбари бошчилигида ҳакамлар ҳайъати аъзолари олимпиада материалларини олимпиада иштирокчилари ўтирган хонага олиб боради.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари кўпайтирилган материалларни иштирокчиларга тарқатиб, тушунтиришлар беради.

Жараён бошланганидан сўнг, ҳакамлар ҳайъати хонани тарқ этади. Аудиторияда аудитория раҳбари, назоратчи ва ота-оналардан вакил қолади. Доскага ёзма ишнинг бошланган ва тугалланиш вақтлари ёзиб қўйилади.

Белгиланган вақт тугаганидан сўнг қатнашчиларнинг ишлари аудитория раҳбари томонидан йиғиб олинади. Аудитория раҳбари хонадан чиқмаган ҳолда ёзма ишларнинг жилдига ва ҳар бир саҳифасига шифр белгисини кўяди. Сўнгра уни текшириш учун жилди олинган ҳолда ҳакамлар ҳайъати раисига топширади. Шундан сўнг иштирокчиларга ёзма иш натижасини эълон қилиш мuddати айтилиб, уларга жавоб берилади. Аудиторияга таклиф этилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари шу аудиторияда ишларни текширади.

Ёзма (амалий) ишлар ҳар бир ҳакамлар ҳайъати аъзоси томонидан алоҳида текширилади, ҳар бир масала, топшириқ учун кўйилган баллар жадвалга туширилади, тақриз ёзилади ҳамда имзоланади.

Ҳакамлар ҳайъати раиси якуний баҳони ўртача арифметик қиймат сифатида аниқлайди, қайдномага кўчириб кўяди ҳамда шу куннинг ўзида олимпиада қатнашчиларига ёзма (амалий) иш натижаларини эълон қилади.

Ўқувчиларнинг ёзма (амалий) ишларини баҳолашда ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларнинг имло саводхонлиги, ўз фикрини адабий тил қонун-қоидалари асосида тўғри ифода қилишларини ҳам инobatта олишлари лозим.

ди ва ундаги ёзувлар ёзма (амалий) ишларни баҳолашда ҳисобга олинмайди.

Фан олимпиадаларининг барча босқичларида ўқувчиларнинг ёзма (амалий) ишлари билан ташкилий кўмита ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан ташқари шахсларнинг танишиб чиқиши, голиб бўлган ўқувчи ва бошқа иштирокчи ўқувчилар ўртасида яккама-якка савол-жавоблар ўтказиш тақиқланади.

Информатика ва ЭҲМ фанидан ёзма иш варианты ва қайси иштирокчи қайси компьютерда ўтириб ишлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Иштирокчиларга тушунтиришлар берилиб, олимпиада бошланган вақт доскага ёзиб қўйилади.

Белгиланган вақт тугагач, ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан иштирокчи билан биргаликда иштирокчи тузган дастур компьютерда текширилади ва натижаси принтерда қоғозга икки нусхада чиқарилади. Иштирокчи имзо қўйган натижани ҳакамлар ҳайъати олиб қолади, иккинчи нусхаси иштирокчига берилади.

VI. Тест синовлари

Фан олимпиадалари иштирокчиларига биринчи босқичда тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари фанларидан 50 тадан, қолган фанлардан 25тадан, иккинчи босқичда 25тадан, учинчи ва тўртинчи босқичларда 40тадан тест саволлари берилади. Учунчи босқичда тест саволларининг 30таси жавоблари танланадиган, 10 таси жавоблари ёзиладиган ҳолда тузилади. Тўртинчи босқичда 40та ёпиқ тест топшириғи берилади.

Ташкилий кўмита томонидан кўп вариантлик асосида тайёрланган тест топшириқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан олимпиада ўтказиладиган кун эрталаб экспертизадан ўтказилади, зарурат тугилгандан, уларга тегишли ўзгартришлар киритилади. Экспертизадан ўтказилган тест саволлари асосида битта вариант тузилади. Мазкур вариантдан олимпиадада фойдаланиш мумкинлиги ҳақида ҳакамлар ҳайъати томонидан далолатнома тузилади ва имзоланади.

Тест саволларининг Давлат таълим стандартларига мос равишда, мазмунан тўғри ва хатоларсиз тайёрланганлиги масъулияти тўлиқ ҳакамлар ҳайъати зиммасида бўлади.

Аудитория раҳбари, ҳакамлар ҳайъати раиси тайёрланган тест топшириқлари вариантини нусха кўпайтириш мосламаси ёрдамида ўқувчилар сонига тенг миқдорда кўпайтиради. Кўпайтириш жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг олимпиада бошлангунга қадар хонадан чиқишлари тақиқланади. Кўпайтирилган вариант папкаларга солиниб скочланади ва аудитория раҳбари бошчилигида ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларни иштирокчилар ўтирган хонага олиб беришади. Бу ҳақда далолат-

Республика олимпиадасининг IV босқичида тест саволлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тузилади. Тест синовлари ўтказиладиган кун эрталаб ҳакамлар ҳайъати аъзолари тест саволларини экспертизадан ўтказилади. Экспертизадан ўтган тест саволларидан тест топшириқлари вариантлари генерация қилинади. Тузилган вариант нусха кўпайтириш мосламаси ёрдамида ўқувчилар сонига тенг миқдорда кўпайтирилади.

Фан олимпиадаларининг IV босқичида тест синовлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Тест топшириқларини бажаришда физика, математика, кимё, информатика, география, иқтисодий билим асослари, чизмачилик фанларидан битта тест саволига жавоб бериш учун 3 дақиқа, қолган барча фанлардан 2 дақиқадан вақт белгиланади.

Жавоблар варақасини тўлдирдишга тест синови учун белгиланган вақт меъёридан ортиқча 20 дақиқа вақт ажратилади.

Барча тушунтиришлар тугаганидан кейин, тест синовининг бошланиши ва тугаш вақти доскага ёзиб қўйилади.

Белгиланган вақт тугаганидан сўнг қатнашчиларнинг ишлари аудитория раҳбари томонидан жавоблар варақаси тўғри тўлдирилганлиги, барча тест саволларига жавоб берилганлиги текшириб йиғиб олинади.

Агар жавоблар варақасида битта тест саволига иккита ва ундан ортиқ жавоблар белгиланган бўлса, ёки тест саволига жавоб белгиланмаган бўлса, аудитория раҳбари бу ҳақда далолатнома тузади ва уни ҳакамлар ҳайъати раисига топширади. Ушбу тест саволларига берилган жавобларга балл берилмайди.

Аудитория раҳбари хонадан чиқмаган ҳолда тест синови ишларининг жилдига ва ҳар бир саҳифасига шифр белгисини кўяди, икки нафар ўқувчи иштирокида жавоблар варақаси ва жилдларни алоҳида пакетларга солади ва муҳрлайди.

Шундан сўнг иштирокчиларга тест синови натижасини эълон қилиш вақти айтилиб, уларга хонадан чиқишга рухсат берилади.

Сўнгра жавоблар варақаси солинган пакет текшириш учун ҳакамлар ҳайъати раисига топширади.

Ҳакамлар ҳайъати раиси тест саволлари бўйича тўғри жавоблар калитини (шаблон) ташкилий кўмитадан олади. Қатнашчиларнинг жавоблар варақаси тест синовлари ўтказилган аудиторияда текширилиб, натижалар қайдномага ўқувчиларнинг шифрлари асосида киритилади.

Ушбу қайднома шифрларга мос равишда ўқувчилар фамилияларини киритиш учун аудитория раҳбарига топширилади.

лолатнома тузилади ва имзоланади.

Лаборатория ишларининг Давлат таълим стандартларига мос равишда, мазмунан тўғри ва хатоларсиз тайёрланганлиги масъулияти тўлиқ ҳакамлар ҳайъати зиммасида бўлади.

Олимпиада қатнашчиларининг ҳужжатлари текширилиб, умумий хонага киритилади. Сўнгра иштирокчилар ўртасида қуръа ташлаш усули билан лабораторияга кириш кетма-кетлиги аниқланади.

Лаборатория ишлари иккита хонада ташкил этилади. Ҳар бир хонада конвертда кўрсатилган лаборатория иши мавзусига мос равишда камида бешта (учта) бир хил жиҳозлар йиғмаси олдиндан тайёрлаб қўйилади.

Иштирокчилардан дастлабки 10 (6) нафари 2та лаборатория хонасига 5 (3)тадан киритилади. Ҳар бир хона марказида аудитория раҳбари ва ҳайъат аъзоларидан биттаси ўқувчилар ишини кузатиб туради. Аудитория раҳбари ўқувчилар билан ишнинг мазмунига таъсир этмайдиган савол-жавоблар ўтказиши мумкин. Кузатувчилар ва аудитория раҳбарларининг зарурат тугилмаса ўқувчилар олдига бориши ва хонадан чиқиши тавсия этилмайди. Иштирокчига ишнинг амалий қисмини бажариш учун 30 дақиқа вақт берилади, амалий ишни мuddатидан аввал тугатган ўқувчи ўз жойида бошқа ўқувчиларнинг ишини ниҳоясига етказишини кутиб туради. Амалий иш ўтказиладиган ва ҳисобот ёзиладиган хонага ўқувчилар ўзлари билан фақат ручка олиб киришлари мумкин. Мuddат тугаганидан сўнг 10 (6) нафар ўқувчи бир вақтда биргаликда қўшни хонага ўтади ва уларга ҳисобот ёзиш учун яна 25 дақиқа вақт берилади. Ҳисоботлар барча ўқувчилардан бир вақтда йиғиб олинади ва улар учинчи хонага дам олиш учун ўтказилади.

Бўшаган лаборатория хоналарига навбатдаги 10 (6) ўқувчи киритилади ва жараён юқоридагидек давом этади.

VIII. Оғзаки суҳбат

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари олимпиаданинг биринчи ва иккинчи турида қатнашувчи ўқувчиларнинг қанча бадий асарларни ўқиганлиги, қандай тушунганлиги, таҳлил қила олиши ва ифодали ёд ўқишини синаб кўрадилар.

Оғзаки суҳбат учун ўқувчининг тайёрланишига 10 дақиқа ва ҳар бир ўқувчи билан ўтказиладиган суҳбат учун 10 дақиқа вақт ажратилади. Ўқувчи билан ўтказиладиган суҳбат учун ҳар бир ҳакамлар ҳайъати аъзоси ўз балини кўяди. Натижавий балл ҳакамлар ҳайъати аъзолари кўйган балларнинг арифметик ўртачаси сифатида чиқарилади ва бу ҳақда қайднома тузилади. Натижавий балл барча ўқувчиларни тўплаб эълон қилинади.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиада босқичларини ўтказиш бўйича тавсия ва баҳолаш мезонлари ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ҚОЗОҚ, ТОЖИК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ)

Она тили ва адабиёт фанидан олимпиаданинг биринчи босқичи (таълим муассасаси) умумтаълим мактабларининг 5—11-синфларида, иккинчи (туман) ва учинчи (вилоят) босқичи 9—11-синфларда, тўртинчи (Республика) босқичи 11-синфларда ўтказилади. Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида биринчи босқич 1—3-курсларда, иккинчи, учинчи босқич 2—3-курсларда, тўртинчи босқич 3-курсларда ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи ва иккинчи босқичи 3 турда (эъза иш, тест синовлари, озгаки) ўтказилади. Учинчи ва тўртинчи босқич 2 турда (эъза иш, тест синовлари) ўтказилади. Олимпиаданинг биринчи кўйидаги тартибда ўтказиш тавсия этилади.

3. Фазалон ёшлигим. 11-синф 1. Мехр-муруват — инсон беъази 2. Мен ёқтирган адиб. 3. Юксак маънавият эгалари. Мазкур турда энг юқори кўрсаткич 50 балли ташкил қилади. Олимпиаданинг ҳар бир босқичида эъза иш учун бериладиган мавзулар оддийдан мураккабга қараб тақомиллашди бориши мақсадга мувофиқ.

4-босқич (Республика) олимпиадасида ўқувчиларга 40та улардан 20та она тили, 20та адабиётдан (ҳаммаси жавоби танланадиган тест) тест топшириқларини бажаришга 2 соат вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 балли ташкил этади.

10-синф 1.Жавоби танланадиган тест Тўлғуручи эргаш гаплар бош галга қандай восталар ёрдамда болганди? А.Боғловчи, деб сўзи. В.Нисбий сўзлар, -ку юклагмаси. С.Кўмакчилик қўрилмалар. Д.Эргаштирувчи боғловчилар. 2.Жавоби ёзилмаган тест Нутқ жараёнида қўчирма гапли қўшма гап қай ҳолатда содда гап шаклини олади?

11-синф 1.Жавоби танланадиган тест Матфара йўли билан маъно қўнган гапни топинг. А.Уйқоқ устидаги қора қумгон шақилда қайнамоқда. В.Кичининг яхши хулқи — унинг чиройи С. Қўшнинг олтин қалами нур таратар эди. Д. Зал оёққа турди. 2.Жавоби ёзилмаган тест Кимнинг қалби пок бўлса, унинг ишлари ўз-ўзидан юришиб кетаверади, ҳамма унга мададкор бўлади. Берилган гап мураккаб қўшма гапларнинг қайси гуруҳига мансуб?

Адабиёт 5-синф 1. Жавоби танланадиган тест «Топшириқ» сўзи қилгוז адабиётда нима деганида? А.Топмақ В.Жумбоқ С.Чистон Д.Матал 2.Жавоби ёзилмаган тест «Ал-жомеъ ас-сахих» асарининг муаллифи ким?

6-синф 1.Жавоби танланадиган тест Кўйидаги шөрий парча мучаллифини белгиланг. Мактаб миллатнинг гули, миллат аниги булбули, Мактабсиз қолган миллат бошқа чаманнинг гули. А. А.Авлоний. В. Ҳамза. С. Мунаввар қори. Д. Аваз ўтаб. 2. Жавоби ёзилмаган тест Баллада атамаси қайси тилдан олинган ва қандай маънони аңлатидади?

7-синф 1.Жавоби танланадиган тест Кўйидаги шөрий парча мучаллифини белгиланг. Мактаб миллатнинг гули, миллат аниги булбули, Мактабсиз қолган миллат бошқа чаманнинг гули. А. А.Авлоний. В. Ҳамза. С. Мунаввар қори. Д. Аваз ўтаб. 2. Жавоби ёзилмаган тест Баллада атамаси қайси тилдан олинган ва қандай маънони аңлатидади?

8-синф 1.Жавоби танланадиган тест Балки, меҳнатларни юзага чиқар. Гагдгай балки сўзи қайси сўз туркумига киради? А. От. В. Сифат С.Модал сўз. Д. Кўмакчи. 2.Жавоби ёзилмаган тест Ҳалқ аҳолидан доимо боқар бар бул. Ушбу гагдга равий қайси гап бўлуги вазифасида келган?

9-синф 1.Жавоби танланадиган тест Гапларнинг қайси бири ГАПЛАРНИНГ ҚИЯСИ БИРИДМИ? А. Гапнинг қисмига келадиган гаплар. Б. Гапнинг қисмига келмайдиган гаплар. В. Гапнинг қисмига келмайдиган гаплар. Г. Гапнинг қисмига келмайдиган гаплар. 2. Гапнинг қисмига келмайдиган гаплар. 3. Гапнинг қисмига келмайдиган гаплар.

Эъза иш кўйидаги мезонлар асосида баҳоланади

Table with 4 columns: T.p., Мазмуни, 1,2-босқич баллари, 3,4-босқич баллари. Rows include questions about reza, mawzu, and other literary topics.

Тест топшириқлари

Table with 4 columns: T.p., Саводхонлиги, 1,2-босқич баллари, 3,4-босқич баллари. Rows include questions about grammar and literature.

Изоҳ: Баъзан ўқувчининг эъза ишидаги хатолар миқдори юқоридаги мезонга мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда 2та ишоравий хатони 1та имло хато ўрнида, 2 ёки 3та имло хатони 1та услубий хато сифатида баҳолаш мумкин. Хатоларнинг (услубий, имло, ишора) ҳар бири сонни ҳамма 10тадан оғса ўқувчининг баҳоси ўз-ўзидан паясанди.

Тест топшириқлари. Олимпиаданинг биринчи, иккинчи босқичларида ўқувчилар 25 та тест топширигини бажарилади. Улардан 13таси она тили ҳақида (9та жавоби танланадиган ва 4та жавоби ёзилмаган тест), 12таси адабиётдан (8та жавоби танланадиган ва 4та жавоби ёзилмаган тестлар) бўлади. Тест топшириқларини бажаришга 50 дақиқа вақт ажратилади.

ЎЗБЕК ТИЛИ

Эъза иш кўйидаги мезонлар асосида баҳоланади

Table with 4 columns: T.p., Мазмуни, 1,2-босқич баллари, 3,4-босқич баллари. Rows include questions about mawzu, reza, and other literary topics.

Саводхонлиги

Table with 4 columns: №, Саводхонлиги, балл. Rows include questions about grammar and literature.

Изоҳ: Баъзан ўқувчининг эъза ишидаги хатолар миқдори юқоридаги мезонга мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда 2та ишоравий хатони 1та имло хато ўрнида, 2 ёки 3та имло хатони 1та услубий хато сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Тест топшириқлари. Олимпиаданинг биринчи, иккинчи босқичларида ўқувчилар 25 та тест топширигини бажарилади. Улардан 17та жавоби танланадиган ва 8та жавоби ёзилмаган тестлар берилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 балли ташкил этади.

Тест топшириқлари. Олимпиаданинг биринчи, иккинчи босқичларида ўқувчилар 25 та тест топширигини бажарилади. Улардан 17та жавоби танланадиган ва 8та жавоби ёзилмаган тестлар берилади. Ҳар бир тўғри бажарилган тест саволига 1,25 балл, нотўғри бажарилган топшириққа 0 балл қўйилади. Энг юқори кўрсаткич 50 балли ташкил этади.

Жамлиқни ифодаловчи олмашларни аниқланг. А. Оммабоб газета В. Халқимиз меҳмондўст С. Қонун барчага баробар Д. Секин-секин гапиринг 2. Жавоби ёзилмаган тест «Муътабар» сўзининг таржумасини ёзинг.

9-синф 1. Жавоби белгиланадиган тест. Ақратиб кўрсатилган сўзининг антонимини аниқланг. Ширин қовун А. Мазали В. Иссиқ С. Юшмоқ Д. Бемаза 2. Жавоби ёзилмаган тест. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қачон тасдиқланган?

10-синф 1. Жавоби белгиланадиган тест. Сифатдош ясовчи қўшимчаларни аниқланг. А. -ган, -қан, -қан В. -ни, -нинг, -да С. -дор, дош, -ли Д. -им, -инг, -и 2. Жавоби ёзилмаган тест. Қаратқуч келишиги рус тилидаги қайси келишик ўрнида қўланади?

11-синф 1. Жавоби белгиланадиган тест. Сифат билан отдан ясалган қўшма отларни аниқланг. А. Гулбахор В. Ошқўқ С. Бешкертватар Д. Қўқултон Жавоби ёзилмаган тест. 1. Берилган гагдга олмошнинг қайси тури қўланган? Мен сизни танимайман.

Озгаки сўхбат Бу турда ўқувчининг қўндалик мавзуларига эътибор қаратилади. Масалан: Қўхна Ташкент ҳақида нималарни биласиз? Ўзбекистоннинг спорт усталари ҳақида маълумот беринг. Нима сабабдан «Олтин куз» деймиз? Энг яқин дўстингизга таъриф беринг ва ҳ.к. Озгаки сўхбат учун энг юқори кўрсаткич 10 балл.

Озгаки сўхбатда: танланган шөрий парча билан раван айта олиши; маттни ҳар икки тилда тушунган ҳолда баён қила олиши ва унга муносабат билдира олиши; сўз ва сўз шакллариини нутқда тўғри қўлай олиши; сўз ва сўз бирикмаларини адабий талаффуз меъёрларига амал қилган ҳолда айта олиши лозим.

Озгаки тур бўйича ўқувчилар билими кўйидаги баҳоланади:

Table with 3 columns: T.p., Мазмуни, Балл. Rows include questions about grammar and literature.

Барча босқичларда умумий кўрсаткич 100 балли ташкил қилади.

(Давоми бор.)

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

бўш (вакант) ўринларга кафедра мудирлари, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент лавозимларига битим асосида танлов эълон қилади

Экология: замонавий геодинамика, ва геоинформатика; интернет журналистикаси ва инфорацион технологиялар; ноорганик ва аналитик кимё; Ўзбекистон тарихи **кафедралари мудирлигига.**

Микробиология ва биотехнология; қуруқлик гидрологияси; оммавий алоқалар ва реклама; программалаш ва тармоқ технологиялари; дифференциал тенгламалар; факультетлараро Ўзбекистон тарихи; ўзбек тилшунослиги; давлат ва ҳуқуқ асослари, экология ҳуқуқи **кафедралари профессорлигига.**

Геодезия, картография ва кадастр; ижтимоий география минтақавий иқтисодиёт ва демография; замонавий геодинамика ва геоинформатика; оммавий алоқалар ва реклама; менежмент; физикавий ва коллоид кимё; математик физика; ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш; алгебра ва функционал анализ; геометрия ва амалий математика; математик анализ; факультетлараро Ўзбекистон тарихи; халқаро маданий алоқалар ва санъатшунослик; этика ва эстетика; миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа; психология; сиёсатшунослик; социология; умумий физика, физикани ўқитиш услуби ва атмосфера физикаси; яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; инглиз тилшунослиги ва таржима назарияси; инглиз тили фонетикаси ва грамматикаси; табиий йўналишлар бўйича чет тиллар; давлат ва ҳуқуқ асослари, экология ҳуқуқи **кафедралари доцентлигига.**

Генетика ва цитоэмбриология; зоология ва ихтиология; агрокимё; геофизик тадқиқот усуллари; менежмент; макроиқтисодиёт; табиий бирикмалар кимёси; туркология ва факультетлараро ўзбек тили; этика ва эстетика; ядро ва назарий физика; француз филологияси; табиий йўналишлар бўйича чет тиллар; рус тили; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар; жисмоний тарбия **кафедралари катта ўқитувчилигига.**

Оммавий алоқалар ва реклама; программалаш ва тармоқ технологиялари; ўзбек мумтоз адабиёти; психология; педагогик психология ва педагогика; сиёсатшунослик; социология; немис филологияси; инглиз тили фонетика ва грамматикаси; рус адабиётшунослиги; француз филологияси; ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар; давлат ва ҳуқуқ асослари, экология ҳуқуқи **кафедралари ўқитувчилигига.**

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика **кафедраси ассистентлигига.**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати; (факультет илмий котиби томонидан имзоланиб, тасдиқланган ҳолда)
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.



**Ҳужжатлар
эълон чиққан
кундан бошлаб
1 ой муддатда
қабул қилинади.**

**Манзилгоҳ:
Тошкент-174,
Талабалар шаҳарчаси,
ЎзМУ, кагрлар бўлими.
Тел: 246-03-92**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудирлари: Қурилиш материаллари ва кимё.

Профессорлар: Архитектураравий лойиҳалаш (1), қурилиш материаллари ва кимё (0.5), иқтисод (0.5), Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар (0.5).

Доцентлар: Архитектура муҳитлари дизайни (1), Архитектураравий лойиҳалаш (1), геодезия ва кадастр (1), инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш (0,25), Шаҳар қурилиши ва хўжалиги (0.5), қурилиш материаллари ва кимё (1), Бино ва иншоотлар (0,5), қурилиш конструкциялари (0,5), иқтисод (1), Математика ва таби-

ий фанлар (1), Фалсафа ва ижтимоий сиёсий фанлар (0.5).

Катта ўқитувчилар: Архитектураравий лойиҳалаш (1), Архитектура тарихи ва назарияси (1), Архитектура муҳитлари дизайни (0.5), йиғма темир бетон ишлаб чиқариш (1), геодезия ва кадастр (1), инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш (1), менежмент (1), Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар (0.5)

Ассистентлар: Архитектура муҳитлари дизайни (1), инженерлик коммуникацияларини қуриш, лойиҳалаш ва ишлатиш (1), иқтисод (1), менежмент (0.5), Фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар (1).

Кафедра мудирлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., Навоий кўчаси 13, ходимлар иш юритиш бўлимига ёки илмий котибга мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон: 244-18-78, факс 241-80-00.

Ишени тўғри ташкил этган киши доимо ўз хавфсизлигини таъминлаган бўлади. Баъзан ёнғин хавфсизлигига оид оддий қоидаларга риоя этмаслигимиз ёки ана шу қоидаларни билмаслигимиз сабабли салбий ҳолатлар юз бериши мумкин. Ҳар йили мамлакатимизда қишнинг совуқ кунлари бошланиши олдидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиб келинмоқда. Жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабригача бўлиб ўтадиган ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида турли тушунтириш ишлари, учрашувлар ва тадбирлар ўтказилмоқда.

**ОДИЙ
ҚОИДАЛАР —
ХАВФСИЗЛИК
ГАРОВИ**

Ушбу тадбирларда иштирок этаётган мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшларига хавфсизликнинг оддий қоидалари амалий тарзда тушунтириб борилмоқда.

Қуйида барча фуқаролар ва ўқувчи-ёшлар учун ушбу қоидаларни яна бир бор эслатиб ўтаемиз:

— уйда электр асбоблари ва газ плиталарини назоратсиз қолдирманг, носоз ва қўлбола ускуналардан фойдаланманг.

— Иситиш печлари ва ўчоқларни ўт олдириш учун тез ёнувчи суюқликлардан фойдаланманг.

— Ёш болаларнинг гугурт ва олов билан ўйнашига йўл қўйманг.

— Уйдан чиқшдан олдин газ ва электр асбобларининг ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

Шуни ёдда тутингки, бундай оддий қоидаларга амал қилиб, ўзингиз ва аτροφдагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган бўласиз.

**С.КОДИРОВ,
12-ХҲХХ 26-ХҲХК кичик
инспектори**

ЭЪТИБОР ЖАМОАНИ РУХЛАНТИРМОҚДА

Сурхондарё вилоятидаги 12-Меҳрибонлик уйи катта тарихга эга. Тақдир тақазоси билан етим, ота-она қаровисиз қолган болалар боши силанётган бу даргоҳда уларга нафақат таълим-тарбия, балки катта ҳаётга йўлланма ҳам берилади. Савоб ишни ҳар куни, ҳар доим қилишни эзгу мақсад қилиб олган аҳил жамоа кўплаб ўқисик қалбларга меҳр улашмоқда.

Муассасада болажон, бағрикенг тарбиячилар меҳнат қилишади. Халқимиз ардоқланган инсонлардан бир гуруҳи ана шу даргоҳнинг собиқ тарбияланувчиларидир. Улар орасида академик М.Эркаев, профессор Р.Надиршин, Ўзбекистон халқ рассоми Р.Чориев борлигини жамоа фахр билан тилга олади.

Илгари Бойсун тумани марказида жойлашган маскан вилоят жонкуяр ташкилот раҳбарлари ташаббуси ва беминнат кўмаги билан бунёд этилган кўркам, замонавий бинога кўчириб келтирилди. Бу ерда тарбияланувчиларнинг ўқиши, дам олиши, спорт билан шуғулланишлари, яшашлари учун барча зарурий шароитлар яратилган. Бугунги кунда 87 нафар тарбияланувчи ана шундай ғамхўрлик ва қулайликдан баҳраманд. Турли миллатга мансуб ўғил-қизлар бағрикенг халқимизнинг миллий анъаналари руҳида камол топаётди. Педагогик жамоанинг асосий мақсади — муассаса муҳитини оила ва уй шaroитига яқинлаштиришга қаратилган. Шунинг учун болалар бир-бирлари билан муомалада ота-она ва фарзанд, опа-сингил, ака-ука ўртасидаги муносабатларга ўргатилмоқда. Янги тарбиявий ва услубий изланишлар ҳам

шунга хизмат қилапти. «Ҳар бир болага меҳр-эътибор» шори доирасида тадбир уюштириш тарбияланувчилар онги ва дунёқарашини бойитиши шубҳасиз. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий меросидан оқилона фойдаланиш — тарбиячилар шioriга айланган. Ёшларни ватанпар-

Mehribonlik uylarida

вар, меҳнатсевар, инсонпарвар, иймон-эътиқодли, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда бундай тадбирларнинг таъсири катта. Бундан ташқари тарбиячининг юриш-туриши, панд-насихати ҳам бола учун ибрат мактаби бўла олади.

Муассаса кўчирилиши муносабати билан педагоглар, техник ходимлар, тарбияланувчиларни янги жойга, янги шароитга мослаштириш устида маъмуриятнинг анча тер тўкишига тўғри келди. Вилоят ҳокимининг қарорига асосан, Меҳрибонлик уйи негизда умумий ўрта таълим мактаби ташкил этилди. Унда ишлаш учун Термиз шаҳридаги мактаб, коллеж, академик лицей ва бошқа ташкилотлардан билимли, тажрибали, болаларни жон-дилидан севадиган ўқитувчи ҳамда мураббийлар танлов асосида қабул қилинди. Болалар билан тил топишиб кетишда, ўқув дастурларини ўзлаштиришда уларга кўмаклашаётган бу педагоглар бола руҳиятини чуқур билишади.

— Катта ҳаётий тажрибага эга, сабр-бардошли педагогик жамоани шакллантириш осон кечмади, — дейди муассаса раҳбари Муҳаммади Норкулов. — Вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси томонидан

бизга кўрсатилаётган ёрдам тўғрисида олға силжиш бор. Табақалаштирилган усулда таълим-тарбия беришга ўтдик. Натижани янада юксалтиришимиз керак.

Мактабда ўқувчилар олган билимларини мустаҳкамлашда, касб-хунар сирларидан баҳраманд этишда 4та марказ, 20дан ортиқ тўғарак, секция ва клублар фаолияти самара бермоқда. Айниқса, «Иқтисодий ва географик билимлар», она тили ва адабиёт фанлари олимпиада бағишлаб ўтказган тадбирларимиз қизиқарли, жонли, эсда қоғалар бўлди. Йил давомида бу каби кечалар, суҳбатлар, учрашувлар режа асосида ўтказиб борилади.

Меҳрибонлик уйида ютуқлар кўп. 2005 йили жамоа «Энг яхши Меҳрибонлик уйи» дея республикада тан олинди ва I даражали диплом, 1 комплект компьютер билан тақдирланди. 2006 йили эса у «Энг яхши иш тажрибасига эга «Меҳрибонлик уйи» номинациясини қўлга киритди. 2008 йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида ушбу даргоҳнинг «Оила» фольклар дастаси ғолибликка эришди. 2009 йили тарбияланувчи Вероника Володина санъат йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилди.

Аҳил жамоага вилоятдаги барча ташкилот, муассаса, корхона, тадбиркор, ишбилармонлар доимо ҳомийлик қилиб келади. Бундан руҳланган ўқитувчи ва мураббийларнинг ўз ишларига масъулияти ошмоқда.

Норкуват Тўраев,
«Ma'rifat» мухбири

Ширин шаҳридаги 4-мактаб Сирдарё вилоятининг энг илғор. Билим масканларидан. Бу ерда 54 нафар педагог 648 нафар ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Ўқитувчиларнинг 5 нафари устоз-педагог мақомига эга, 1 нафари Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, 7 нафари Халқ таълими аълочиси.

Jarayon



Ушбу билим масканида «Маҳорат мактаби» ташкил этилганига яқинда 18 йил тўлди. Шунингдек, «Энг фаол синф раҳбари», «Энг фаол фан кабинети мудир», «Энг ижодкор ўқитувчи», «Энг фаол фан ўқитувчиси», «Энг яхши техник ходим», «Энг фаол ота-она», «Энг саришта синф», «Энг одобли ўқувчи», «Энг яхши маъруза» каби ички танловлар ташкил этилган бўлиб, мактабда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиб келаётди.

«МАҲОРАТ МАКТАБИ» САМАРАСИ

Ғолиб педагог, ўқувчи ва ота-оналарни, шунингдек, жамоанинг бошқа аъзоларини тақдирлаш механизми яхши йўлга қўйилган.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан мактабга тортиқ қилинган 2 гектар суғориладиган ер майдони, мактаб атрофида жойлашган маиший хизмат шохобчалари — суратхона, новвойхона, сартарошхона, этикдўзлик, тикувчилик, видеотасвирга тушириш, нусха кўчириш, аудио-видео хизмати ҳамда компьютер хизмат кўрсатиш шохобчалари ўз даромадларининг бир қисмини ҳомийлик тариқасида мактабнинг махсус ҳисоб рақамига туширадилар. Бу маблағлар эса мактабни таъмирлаш ва бошқа эҳтиёжларга сарфланмоқда. Жумладан, яқинда ҳашар йўли билан ўқув масканида фаоллар зали бунёд этилди.

— Рағбат фаолликни кучайтиради, ўқитувчининг ўзига бўлган ишончини орттиради, ташаббус кўрсатиб ишлашга ундайди, — дейди мактаб директори, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Абдунаби Мустафоқулов.

Мактаб жамоаси ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги, давомат, дарсликлар таъминоти, ижро интизоми ва бошқа қатор кўрсаткичларига кўра вилоят таълим муассасалари ўртасида юқори погонани эгаллаб турибди.

Бойжигит Абдуллаев,
«Ma'rifat» мухбири

Jurnallarning yangi sonlarida

“ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ”

Боғларда кўзларим қамашар

Шохларга илинган ойлардан...

Тошларга урилиб, шарқираб

Юлдузлар оқадир сойларда...

Бу мисралар табиатда ўзи севган ва мукамалликни кўра олган ҳассос шоир Шавкат Раҳмон қаламига мансуб эканини биласиз. «Тил ва адабиёт таълими» журналининг 9-сонидаги «Адабий тақвим» рукнида таваллудига 60 йил тўлган Шавкат Раҳмон ҳаёти ва ижодий фаолиятига дахлдор саҳифалар варақланади.



Журналнинг доимий «Методика» рукни орқали бу гал муштарийлар «Она тили дарсларида фонетика устида ишлаш», «Ҳадислар маънавий комиллик сари етакловчи омил сифатида», «9-синфларда Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер, сай-

ёд» мусаддасини ўрганиш тажрибасидан» сингари материаллар билан танишиб, ўз сабоқларида улардан ижодий фойдаланишлари мумкин.

Мазкур чиқиши орқали журнал яна ўз ўқувчиларига «Данте ва Навоий ижодидаги муштараклик» (Марзия Қаландарова) «Холдорхон» достонига хос баъзи лексик хусусиятлар», «Интерьер ва қахрамон руҳияти», «Рабғузийнинг «Қисасул анбиё» асари нусхалари ҳақида» сингари бир қатор долзарб мавзулардаги материалларни тақдим этган.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

«Бошланғич таълим» журналининг яқиндагина чоп этилган 11-сонида Г. Арипованинг «Оилада толерантликни шакллантириш» мақоласини мутолаа қилсангиз нашрнинг долзарб мавзуларни кўтараётган

“БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ”

нига амин бўласиз. 4-синфларнинг ўқиш фани доирасида ўрганилиши назарда тутилган «Ота-она ҳақини билмак зикрида» дарс ишланмаси эса ўқувчиларнинг маънавий тарбиясига ижобий таъсир этади. «Илғор педтехнологиялар» рукни орқали бу гал Қарши шаҳридаги 1-ихтисослашган мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Момагул Дўсмуродованинг «Эр-

кин фикр юритишга ўргатиш» мавзусидаги материали ўрин олган.

Тиниш белгиларини ёзма нутқда қўллаш бир қараганда жуда оддий амаллардек туюлса-да, уларни ўринли ва тўғри қўллай билмоқ катта билим ва

малака талаб этади. «Давлат тили қонуни — амалда» рукни орқали эълон қилинган «Тиниш белгиларини жадваллар асосида ўргатиш» мақоласидан ижодий фойдаланган ўқитувчилар бу борада сабоқларини янада бойитмоқлари мумкин.

«Бошланғич таълим»нинг бу сонидан шунингдек, «Авлоний асарларида тарбия», — «Афсоналарда тимсоллар», «Маънавий хулқ-



атвор» мактаби», «Ўқувчилар фаоллигини ошириш», «Соғлом экологик муҳит» сингари бир қатор рангбаранг мавзулардаги материаллар ҳам ўрин олган. Русийзабон муштарийлар эса «Здоровье порядка — спасибо зарядке», «Наш друг — светофор», «АБВГДейка» сингари материалларни мутолаа қилишлари мумкин.

О.ОЧИЛОВА

Сизга бу қиёфа ойнаи жаҳон орқали кўпдан бўён яхши таниш. Унинг беадад ва тизгинсиз уммонлар узра қилган саёхатларидан ҳайратга тушгансиз. Зотан, шиддатли тўлқинлар мавж уриб турган улкан денгизлару океанларга тушиш, ундаги жонзотлар, ўсимликлар оламини ўрганишга ҳар қандай одам ҳам журъат этавермайди. Жак Ив Кусто бу нодир хислати билан шон-шуҳрат қозона олди. Ушбу француз тадқиқотчисининг ижтимоий келиб чиқиши, болалик дамлари, интилиш ва изланишлари муштарийларимизни қизиқтириши табиий.



Mashhurlar hayotidan

ган энг муҳим нарса — денгиз бизга ўз уйимиздек бўлиб қолди”.

1965 йил кузда Ўрта денгиз соҳилида Монако яқинидаги Кусто бошчилигидаги 6 нафар денгиз саёхатчиси 110 метр чуқурликдаги шарсимон уйда 23 кун яшади. Буни тасаввур қилиш мушкул, аммо денгизни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган кишилар учун бун-

УММОНЛАРДА УЛҒАЙГАЧ САЁХАТЧИ



Бордо яқинидаги Сен-Андре-де-Кюбзакеда яшовчи кўчманчи савдогар оиласида дунёга келган Жакнинг ҳар хил мактабларда ўқишига тўғри келган. Қаерда яшашмасин, болани кўл ва дарёлар, ирмоқ ва ариқлар, улардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси оҳанрабодек ўзига тортар, соатлаб томоша қилишдан чарчамас, ёз фасли бўлса, чўмилишдан бир олам завқ оларди. Сув остидаги ўтларни кўли билан ушлаб кўрар, балиқлар эса унга тутқич бермасдан сузиб кетишарди. Оила аъзолари ҳар йили ёзда Руайанадаги Бискай кўрфази қирғоқларида дам олишар, бу эса Кусто учун айна муддао эди. Бола кўрфазда сузишни ўрганади, даставвал у ота-онасининг маслаҳатига кўра, саёз, сузишга ўнғай жойларга тушарди.

Кейинчалик маҳорати ошган сари унда дадиллик, ўзига нисбатан ишонч туйғуси орта бориб, кўрфазнинг чуқурроқ жойларига тушишдан ҳам чўчимайдиган бўлди. Болада кун сайин денгиз ва океанлар ҳаётини ўрганишга нисбатан қизиқиш шаклланиб борарди. Домимий кўчишлар боланинг савиясини ижобий томонлама оширади: Нью-Йоркда инглиз тилини, Эльзасда немис тилини ўрганади.

Жойни ўзгартириш натижасида янги нарсаларни кўриш, аввалгисидан фарқли бўлган муҳитга дуч келиш, табиат манзараларидаги ўзига хослик, шарт-шароитга мослашиш бўлғуси олимда иродани, сабот-матонатни тарбиялаб борган бўлса, не ажаб! Дунёнинг муайян қисми сувликдан иборат, уни ўрганиш, тадқиқ этиш зарур. Бу интилиш, кўнгилга тугилган асл муддао Кустони ҳарбий-денгиз академиясига хужжат топширишга ундади.

Унга омад кулиб боқди. Даъвогарлар ичида у 22-ўринни эгаллайди. Академияга қабул қилиниши бўлғуси тадқиқотчига катта имкониятлар эшигини очди. У қабул қилинган гуруҳ “Жанна д’Арк” кемасида дунё океанлари бўйлаб сузишга отланади. Бунга қадар денгиз ва дарёлар бўйича унчамунча ахборотга эга бўлган академия талабаси кемада ўзини яхши

тутиши, теран фикрлаши билан гуруҳдошларини ҳайратга соларди.

Ўқишни тамомлаган ёш мутахассис Шанхайдаги ҳарбий-денгиз флотида хизмат қила бошлади. Унинг олдида флот зобити бўлишдек улкан мақсад турарди. Бир йўлдан юриш ўз-ўзига хоинлик қилиш демакдир, дейди у ва ишлаётган жойини тарк этиб, Ҳарбий авиация академиясига хужжат топширади. Академияни тамомлаш насиб этмаган экан, у тоғли йўлда автохалокатга учраб, авиацияни тарк этишга мажбур бўлади.

Унинг кўли фалажланса-да, қатъияти асло букилмади. Секин-аста жароҳати ҳам бита бошлайди. 1936 йили у Тулон бандаргоҳига қарашли “Сюрфен” крейсерида инструктор бўлиб ўз фаолиятини давом эттиради. Бир куни у дўконда сув ўтказмайдиган кўзойнакни кўриб қолади ва сира иккиланмай сотиб олади. Кўзойнакни тақиб, бошини сувга туширган Кустонинг кўз ўнгида мўъжизага бой сувости ҳаёти мавжланади. Бу аввалдан кўриб юрганлари ва ҳис қилганлари олдида тамоман бошқача манзара эди.

Сув остида кечадиган тирикликни ҳали ҳеч ким кашф этмаган. Бунинг учун бир инсоннинг ҳаракати етарли эмас. Қандайдир технологиялар ҳам зарур. Олим ёпиқ турдаги кислород аппаратини кашф этади. Леприер томонидан кашф қилинган аквалангни сафдоши Ганьян иккаласи янада ривожлантиради. Франциянинг сувости тадқиқотлари маркази олимлари билан бундай муҳитдаги тадқиқотлар учун қулай бўлган кема ҳам

унинг ташаббуси ва ғояси билан ихтиро қилинади.

1950 йилларда тадқиқотчи трал билан жиҳозланган мина тозалайдиган ўша машҳур “Калипсо” кемасига эгалик қилди. Шу кемада у Атлантика ва Ҳинд океанларига, Қизил, Қора, Араб денгизларига ва Форс кўлтигига илмий-оммабоп экспедициялар уюштириш ва бемисл шуҳрат қозонишга муваффақ бўлди.

Монакода жойлашган океанографик музейни бошқариш таклифини қабул қилиб, оиласи билан ўша ерга кўчиб борди ва океанографик тадқиқотлар билан шуғулланди. Утган асрнинг 60-йилларида Кусто бошчилигидаги экспедиция “Коншельф” номли йирик лойиҳани амалга оширади, унга кўра континентал шельфи зоналарни забт этиш, тадқиқ қилиш кўзда тутилган эди.

Қизил денгиздаги Шаб-Руми коралл рифларида Кусто “Денгиз юлдузи” номли металл уй ясагани шу вақтга қадар қузатилмаган ноёб ҳодиса сифатида баҳоланди. Акванавтлар мазкур кашфиёт ичига жойлашиб олиб, 15 метрлик чуқурликда узоқ муддат яшаб, сув остидаги ўзига хос жараённи тадқиқ этишлари учун имкон яратилди.

“Ракета” номли икки кишилик кабина ҳам металл уй каби муҳим вазифаларни бажаришга мўлжалланган эди. Ана шу асбоб-анжомлар воситасида Кусто ўз океанографик тадқиқотларини бир ой давом эттирди. “Ракета”нинг олимлари 110—120 метр чуқурликка шўнғишди. Тажриба мобайнида сувости ҳайвонлари ҳақида ноёб маълумотларга эга бўлинди. Кусто сув остига қилган саёхатлари тафсилоти ҳақида кейинчалик шундай ёзади: “Онгимизга чуқур жойлаш-

дай муҳитга кўникиш қийинчилик туғдирмаганлиги аниқ. Кусто экспедицияси Муқаддас Елена оролида сув остига чўкиб кетган бир неча кемаларни топишга муваффақ бўлди.


Етмишинчи йилларда Кусто бошқарган “Калипсо” кемаси Антарктида қирғоқлари томон саёхатга отланди. Мақсад китларни илмий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этишдан иборат эди. Муҳим бир уриниш натижасида “Калипсо” айсбергга урилди ва шикастланди. Шундай қилиб, ноилоҳ қолган Кусто ўз сафдошларига Магеллан бўғозида тўхташни буюради. «Кусто жамоасининг сувости саргузаштлари», «Сокинлик дунёси» номли ажойиб илмий-оммабоп кинофильмлар ўша машаққатли саёхатлар маҳсулидир. Шунингдек, экспедиция аъзоларининг кўрган-кечирганлари Кустонинг “Дунё океани” номли китобида ҳам аниқ тарзда кўрсатиб берилган.

Ўз касбига садоқатли инсон, кўплаб мақолалар, китоблар, телева радиодастурлар муаллифи Жак Ив Кусто 87 йиллик умрининг асосий қисмини, таъбир жоиз бўлса, умрининг энг жўшқин ҳамда мураккаб дамларини денгиз ва океанларда ўтказди. Серғайрат тадқиқотчи, океан фаunasида биологик хилма-хилликни сақлаш, уларнинг она сайёрамиз учун ниҳоятда бетакрор аҳамиятини жонли тарзда кўрсатиб бериш орқали башариyatни экологияни асрашга чорлади. Олимнинг амалга оширган ишлари айнан шу йўналишда бугун изланиш олиб бораётганлар учун маёқ вазифасини ўтамоқда.

Чингиз РАЙИМБЕРДИЕВ
тайёрлади.

САМОЛЁТДА ХАМ ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ

«Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, Австралиялик олимлар томонидан қуёш батареяларининг янги тури ишлаб чиқилган. Унинг нурларни қабул қилиши одатдагидан 650 марта кучайтирилган.



Visualrian.ru сайтида берилган маълумотга кўра, Элис Спрингс шаҳри (Шимоллий Австралиянинг жанубида жойлашган) аэропорти ҳудудидаги тажриба электростанциясида 28 инновацион батареялар қўлланилган. Ишлаб чиқарувчиларнинг таъкидлашича, янги батарея Қуёш ҳаракатига қараб айланиш мосламасига эга. Шунингдек, йилига 600 мегаватт миқдоридаги электр қувватини ишлаб чиқара олади. Бу эса янги яратилган тизим мазкур аэропортнинг электр энергияга бўлган талабининг учдан бир қисмини қоплайди, деганидир.


Айни кунларда ушбу йўналишдаги тадқиқот лойиҳалари сони ошиб бормоқда. Эндиликда қуёш нури ҳисобига ишловчи тизимларни иссиқ сув етказиб беришда, шунингдек, сув спорти иншоотларида қўллаш керак, деган қарашлар пайдо бўлмоқда. Ҳаттоки Қуёш нури ҳисобига қиш ойларида ҳам биноларни қиздириш учун иссиқлик энергиясининг 40 фоизини олиш мумкин.

АСТЕРОИДЛАР «ЁМГИР»И

Буюк Британия олимларининг аниқлашича, динозаврларнинг нобуд бўлишига табиий ҳалокат, яъни, фазодан турли ҳажмдаги астероидларнинг «ёғилиши» сабаб бўлган. Мана шу ҳолатни ўрганган мутахассис Теда Нилданинг сўзларига кўра, 470 млн. йил олдин Марс ва Юпитер сайёралари ўртасида жойлашган улкан астероид бўлакларга бўлиниб кетган ва 10 млн. йил давомида унинг бўлаклари сайёрамизга «ёғилиб» турган.


Бу ҳақида «The Sunday Times» нашри хабар берди. Швед олими Биргер Шмиц томонидан дунёнинг турли ҳудудларида тош жинсларини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар ушбу жараёни исботлайди.

Қизиқарлиси, ҳар бир астероиднинг диаметри бир неча юз километрларни ташкил қилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳажмдаги астероидлар эса ўша пайтда Ерда яшган динозаврларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган. Ана шу ҳалокатдан кейин эса, сайёрада биологик эволюция тезлашган ва янги турдаги мавжудотлар пайдо бўла бошлаган, деб фараз қилинмоқда.



СОҒЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

«PhysOrg»нинг хабарига кўра, асаб тизимини фалаж қиладиган ўта юқумли касаллик — полиомиелитни бутунлай даволаш мумкин. Бунинг учун штамм (микробиологияда: вакцина ишлаб чиқаришда қўлланиладиган микроорганизм)дан фойдаланиш керак. Натижа эса беш йил ичида кўрилади. Бу йўналишдаги тадқиқотлар билан «Полиомиелитга қарши глобал ташаббус» (ПКҲТ) халқаро лойиҳаси шуғулланмоқда.



«Kid Risk» компанияси ПКҲТнинг касалликка қарши курашиш учун кетадиган харажат ва полиомиелитнинг олдини олиш натижасида инсониятга келадиган фойдани ҳисоб-китоб қилиб чиқди.

Экспертларнинг билдиришича, ПКҲТ шу кунгача 8 миллионга яқин касаллик ҳолатининг олдини олган. Бу орқали даволаш ва беморларга тушунтириш ишларини олиб боришга сарфланувчи чиқимлар иқтисод қилингани маълум бўлди. Умумий


ҳисобда 40—50 миллиард доллар миқдоридаги маблағ тежалган. Энг муҳими, полиомиелитга қарши вакциналари билан бирга А витаминини бериш соғлиққа ижобий таъсир кўрсатади ва бу инсониятга 19 миллиарддан 90 миллиардгача бўлган миқдорда фойда келтиради.

Тадқиқот раҳбари Радбауд Дейчер Теббённинг изоҳлашича, полиомиелитни бутунлай йўқотиш ижтимоий, шу билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ҳам даромад, деганидир.

360 МЛН. ЁШЛИ ҚИСҚИЧБАҚА

Кент университети геология бўлимининг хабар беришича, дунёдаги энг қадимий майда қисқичбақа(креветка) топилган. Унинг ёши 360 миллион йилга тенг бўлиб, узоқ йиллар мобайнида тошга айланган.

Ҳайратланарлиси, унинг мушаклари ҳам қотган ҳолатда жуда яхши сақланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шу кунгача энг кекса қисқичбақа Мадагаскардан топилган, деб ҳисобланар эди. Тадқиқот ва изланишлар бунинг нотўғрилигини кўрсатди. «Мадагаскарлик» қисқичбақанинг ёши тахминан 245 миллион йилга тенг бўлса, Оклахомада топилган мазкур жонзот қолдиги ёши ундан 125 миллион йил каттадир. Янги топилманинг узунлиги 7,5 сантиметрни ташкил этади. Шунингдек, унга «Aciculopoda maresi» номини беришган. Яна шуни таъкидлаш керакки, майда қисқичбақа кўпоёқдиларнинг энг қадимий аждодидир.




Топилма ёшининг катталиги, шунингдек, яхши сақлангани билан қимматлидир. Бунга креветканинг нордон сув ва кислород кам дёнғиз остида қолгани сабаб бўлган. Ушбу янгилик ўноёқдилар ривожланишини ўрганишда «калаванинг учи» вазифасини ўташи мумкин. Олимлар айни кунда Шимоллий Америка ва Гренландиядаги асрий қоятошлардан шу каби унутилган жонзотларни топиш мумкин, деб ҳисобламоқда. Аммо ҳозирча бу ерларда илмий изланишлар олиб бориш хавфли.



ЭСКИ КАКАОДАН ЯНГИ ШОКОЛАД

Океанортилик олимларнинг хабарига кўра, яқин йилларда киши истеъмол қилинганда ортиқча вазнга сабаб бўлмайдиган, юрак қон-томир тизими ва бошқа органлар фаолиятига фойдали шоколаднинг махсус тури яратилади. Какао дарахтларини генетик модификация қилиш йўли билан бунга эришиш мумкин.

Тадқиқот раҳбарларидан бири доктор Ховард-Яра Шапиронинг таъкидлашича,



бу уринишлар шоколад таркибига кирувчи ёғларнинг фойдали хусусиятини кучайтиришга қаратилган. Ҳозирги пайтда профессор ва унинг ҳамкасблари 34997та какао дарахти генини ўрганишмоқда. Олимлар «калит» ролини ўйнайдиган хусусиятларни аниқлаш билан машғул, дея хабар берди «Интерновости».

Бундан ташқари, мутахассислар аънавий тарзда пайвандлаш орқали ўсимликларни табиий чатиштиришни режалаштиришган. Бундай ўзгаришлар асосида какао дарахтларининг зарарли табиат ҳодисалари ва касалликларга қарши чидамли бўлишига умид қилинмоқда. Тажрибалар қора какаода ўтказилаётган бўлиб, бу яратилажак шоколаднинг ўткир таъмли бўлиши таъминлаши мумкин.

ЙЎЛБАРСЛАРНИНГ ЯШАШ ҲУДУДИ ҚИСҚАРМОҚДА


Йўлбарс халқаро «Қизил китоб»га киритилган жонзотдир. Одамларнинг тинимсиз таъқиб оқибатида йўлбарслар сони камайиб кетаяпти. Шунингдек, улар яшайдиган ҳудудлар қисқармоқда.

Йўлбарс ареал(ўсимлик ёки ҳайвонларнинг бирор тури тарқалган ҳудуд)ларининг асосий қисми тропик ва субтропик иқлимли ҳудудларда жойлашган. Ҳозирги пайтда йиртқишларни асосан Ироқ ва Афғонистон шимолида, Непал, Бирма, Таиланд, Ҳиндхитойнинг Малакк яриморолларида, Ява ва Балида, шунингдек, Хитойнинг жанубий ва шимоли-шарқий ҳудудларида, Корея яримороллари шимоли ва бошқа ҳудудларда учратиш мумкин. Аммо янги тадқиқот натижасида маълум бўлишича, табиатда ёввойи ҳолатда яшовчи бор-йўғи 3200тадан кўп бўлмаган йўлбарс қолган. «Новости» хабарига кўра, охириги 10 йил ичида улар сони 40 фоизга қисқарган. Бу эса табиатга янада кўпроқ гамхўрлик қилиш кераклигини билдиради.



ЯНГИ ТИББИЙ УСУЛ

АҚШ ва италиялик олимлардан ташкил топган тадқиқот гуруҳи тиббиёт соҳасида янгилик яратишди. Улар мия ўсмасининг ўткир шакли бўлган глиобластомани мустақил равишда қон-томир системасига таъсир ўтказиш орқали ҳам йўқотиш мумкинлигини таъкидлашмоқда.



Бундан қарийб 40 йил олдин америкалик онколог Жуда Фолькман мана шунга ўхшаш усул, яъни, қонга таъсир ўтказиш орқали ўсмалар билан курашиш имкони борлиги ҳақидаги илмий-дастурий ишини оммага эълон қилган эди. Шундан кейин мия ўсимтасига қарши восита — авастин номли дори ишлаб чиқилганди. У ва бошқа шу каби дори-дармонларни ангиогенез (қон-томир ҳаракати) ингибиторлари дейиш қабул қилинган. Бугунгача мана шу восита миядаги ўсимта ва ҳар хил шишларга қарши қўлланилган.

Бироқ вақт ўтиши билан авастиннинг ижобий таъсири қутилганидай чиқмагани маълум бўлди. Авастин касаллик жараёнининг биринчи босқичида фойдали бўлса ҳам, кейинчалик наф келтирмайди.

Янги тадқиқот раҳбарлари эса бошқача ечим топишди. Эндотелиал хужайраларнинг катта қисми (20дан 90 фоизгача) қон томирига юборилган инсон глиобластомасига, яъни ўсма хужайраларига ҳам таъсир кўрсатади. Бундай натижа сичқонларда ўтказилган тажриба орқали исботланди. «American Journal of Pathology» журналида бу борадаги тадқиқот батафсил ёритилган.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари Ю.РУСТАМОВА, О.ҚУЛМУРОВА, Ф.ЭГАМҚУЛОВ, М.МЕЛИҚУЛОВА, М.МАЪҚУЛБЕКОВА, Ж.НАРЗУЛЛОВ, М.САБРИЕВА, Х.БЎРИЕВА, Б.ИСАЕВ тайёрладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Мавжуд электрон ахборот-таълим ресурсларини таълим муассасаларига етказиш мақсадида DVD дисклар харид қилиш бўйича танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

| № | Диск тури | Сони (дона) |
|----|--|-------------|
| 1. | 2 томонли DVD диск (ғилофи билан) | 10 000 |
| 2. | 1 томонли DVD диск, printable (ғилофи билан) | 12 000 |

Танлов ўтказиш жараёнилари ва тартиби ҳақидаги қўшимча маълумотларни олиш учун эълон чоп этилган кундан бошлаб (шанба ва яқшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими, 4-қават, 420-хона. Телефон: (+998 71) 239-88-52, 223-16-31, 223-16-32.

Танлов таклифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб 7 кун мобайнида тақдим этилиши лозим.

O'quvchilarning bo'sh vaqtini to'g'ri tashkil etish, kasbga yo'naltirish, fanlardan olgan bilimlarini kengaytirishda to'garaklar faoliyati muhim o'rin tutadi. Maktabimizda ochilgan "Bichish-tikish" to'garagi ham o'quvchi-qizlarning mehnat fanidan olgan bilimlarini mustahkamlashga xizmat qilayapti. Quyida bir soatlik to'garak mashg'uloti ishlanmasi e'tiboringizga havola etilmoqda.

Mashg'ulot mavzusi: yubka andozasini tayyorlash.

Mashg'ulot maqsadi:

Ta'limiy: o'quvchi-qizlarga andoza olishni o'rgatish.

Tarbiyaviy: o'quvchilarga mehnat intizomiga rioya qilish, ishni sifatli va texnik talablarga javob beradigan qilib bajarishni, o'z ishlarini tahlil qilishni singdirish.

Rivojlantiruvchi: o'quvchilarga hisoblash jadvalini o'rganish va natijalarni masshtab chizg'ich orqali daftarga chizishni o'rgatish.

Mashg'ulot metodi: og'zaki, tushuntirish, ko'rsatmali.

Mashg'ulot ko'rgazmasi: asosiy o'lchovlar va hisoblash jadvali yozilgan ko'rgazma, klyosh yubka andozasi, tayyor klyosh yubka.

I. Mashg'ulotning borishi:

Tashkiliy qism:

Salomlashish.

Davomatni aniqlash.

O'quvchilarni to'garakka tayyorlash.

II. Yangi mavzu bayoni

Doskaga asosiy o'lchov va hisoblash jadvali yozilgan ko'rgazma ilingan. O'qituvchi yoki to'garak rahbari ular haqida o'quvchilarga ma'lumot beradi. Andozani tayyorlash uchun o'lchovlar orqali hisoblash jadvalini bilish kerakligi ta'kidlanadi. So'ng o'lchovlar qanday o'lchanishini tushuntiradi. Hosil bo'lgan natijani esa o'quvchilar daftarga qayd qilib oladilar.

O'qituvchi: — Siz o'zingiz uchun yubka tikmoqchi bo'lsangiz, uzunlik uchun 40-50 sm. o'lchov tanlaysiz. Qani, endi, ikkita-ikkitan bo'lib doskaga chiqing va bir-biringizning o'lchovingizni oling. Men esa ishingizni

Chiziqlar tutashgan nuqtaga O harfi, chiziqlar tugagan nuqtalarga BI va B1 harflari yoziladi. So'ng BI va B1 nuqtalaridan boshlab 50 sm. o'lchab, vertikal va gorizontal chiziqlar davom ettiriladi va nuqtalarga Y va Y1 harflari qo'yiladi. So'ngra mazkur

HUNAR SIRLARIDA MATEMATIK BILIMLAR

nazorat qilib, noto'g'ri bajarsangiz, tuzatib boraman (har bir qiz o'z o'lchovini daftarga qayd qilib qo'yadi, o'lchovlar olib bo'lingach, hisoblash jadvali qanday chiqarilishi tushuntiriladi).

Endi hisoblash jadvalini chiqarishimiz kerak. Buning uchun, birinchi navbatda, bel o'lchovi yig'indisining radiusi hisoblash formulasi asosida topiladi. Buning uchun biror qiz o'zining bel yarim aylanasiga qo'shimcha kenglikni qo'shib, natijani koeffitsiyentga ko'paytirishi lozim ($(BIYA+q/k) \times 0,64$). Qo'shimcha kenglik 1sm.ga teng bo'ladi.

O'quvchi: — 0,64 soni nimani anglatishini tushunmadim?

O'qituvchi: — Doimiy o'lchov birligi sifatida klyosh yubka uchun 0,64 soni qabul qilingan. Yubkaning bel qismini bichish uchun yordamchi nuqta 1,75 sm. etib belgilanadi.

So'ng tayyor andoza doskaga ilinadi. Shu andozaga qarab, hamma o'z andozasini tayyorlashi kerakligi aytiladi. Buning uchun hamma chiqqan yig'indining radiusi natijasini masshtab chizg'ich orqali daftarga bir nuqtadan shu natijani vertikal va gorizontal to'g'ri chiziq orqali chizishlari tushuntiriladi.

nuqtalar ham bir xil o'lchamda doira shaklida birlashtirilishi kerak. Endi BI va B1 nuqtalar o'rtasi aniqlanib, shu nuqtadan 1,75 sm. tushirib, B12 nuqta qo'yiladi. Nuqtani BI va B1 nuqtalari bilan yarim doira shaklida birlashtiriladi. So'ngra Y va Y1 nuqtalarining o'rtasi aniqlanib, pastga chiziq tushiriladi. U yerga esa Y2 harfi qo'yiladi. Y2 nuqtani Y va Y1 nuqtalari bilan yarim doira shaklida birlashtiriladi. Shundan so'ng yubka andozasi tayyor holga keladi.

III. Amaliy ish

a) Kirish yo'riqnomasi

O'quvchilarning yubka andozasini masshtab chizg'ich yordamida to'g'ri chizganliklari partalararo yurib tekshiriladi. O'z o'lchamlari bo'yicha to'g'ri natija hosil qilganliklari aniqlanadi.

b) Joriy yo'riqnomasi

Yubkani to'g'ri chiza olmagan o'quvchilarga qanday tayyorlanishi tushuntiriladi, kamchiliklar, yo'l qo'yilgan xatolar bartaraf etiladi.

IV. Mavzuni mustahkamlash

O'quvchilarga mavzu yuzasidan savollar beriladi:

1. Klyosh yubka andozasini tayyorlash uchun qaysi o'lchovlar kerak?

2. Qo'shimcha kenglik nimaga xizmat qiladi?

O'qituvchiga yordam

So'ng tayyor kiyim o'quvchilarga ko'rsatiladi.

V. Mavzuni yakunlash va uyga vazifa berish

O'qituvchi: — Hurmatli o'quvchilar, shu bilan bugungi

har biringiz o'z andozangizni sm. lenta yordamida mm. qog'ozga tushirib, tayyorlab keling.

O'quvchi yon daftoriga!

Klyosh yubka

chizmasini chizish va andozasini tayyorlash

1. Klyosh yubka chizmasini chizish uchun bel yarim aylanasini o'lchanadi va yubka uzunligi o'lchanadi.

2. Hisoblash jadvali orqali natijalar aniqlanadi va yoziladi.



mavzimiz yakuniga yetdi. Mavzuni uyda yana bir karra takrorlab, mustahkamlang va

3. 1:4 masshtab chizg'ich orqali klyosh yubkaning chizmasi tayyorlanadi.

Asosiy o'lchovlar

| BIYA | YU | q/k |
|------|----|-----|
| 29 | 50 | 1 |

Hisoblash jadvali

| T/r | Kesim shartli belgisi | Kesimning nomi | Hisoblash formulasi | Natija |
|-----|-----------------------|----------------------------|--------------------------|--------|
| 1. | OBL=OBL1=OBL2 | Bel yig'indisining radiusi | $(BIYA+q/k) \times 0,64$ | 19 |
| 2. | BIY=BI1Y1=BI2Y2 | Yubka uzunligi | YU | 50 |
| 3. | BI2 1 | Bel qismini o'lchash | d/k | 1,75 |
| 4. | Y2 2 | Etak qismini o'lchash | d/k | 3,5 |

Malika JO'RAYEVA,
Aniq fanlarga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi mehnat ta'limi fani o'qituvchisi

Noyabr — rus tili va adabiyoti fanlari oyligi



Pойтахтимиздаги 167-мактабда ноябрь — рус тили ва адабиёти fanlari oyligi doirasida бўлиб ўтган тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг қизиқишларини оширди. Бойси, фан ўқитувчилари томонидан ҳар бир машғулот кўргазмалари кураоллар, мавзуга оид карточка ва плакатлардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилди.

Мақтабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Маъфура Жалолова ҳам фан ойлиги давомида ўтказилган тадбирларда фаол иштироки ҳамда дарсларни ноанъанавий тарзда олиб борганлиги билан ажралиб турди. Жумладан, у 3-синфларга ўтган "Хайвонот олами" мавзусида-

ги машғулотда ўқувчилар томонидан тайёрлаб келинган тасвирлардан унумли фойдаланиш билан бирга болаларни ҳам дарсда фаол бўлишга ундади.

Муаллиманинг саъй-ҳаракатлари билан фан ойлиги тадбирлари, шоир ва ёзувчиларнинг фаолиятига бағишланган шеъронлик кечалари, энг яхши деворий газета кўрик-танловлари қизиқарли тарзда ташкиллаштириб келинмоқда.

Суратда: М.Жалолова 3 "А"-синфга навбатдаги дарсни ўтмоқда.

А.ХАЙДАРОВ олган суратлар.

МУНОСИБ АРДОҚ

Ўқитувчи киши руҳияти муҳандисидир. У энг масъулиятли ва-зифани адо этади, яъни инсонни шакллантиради, мустақил ҳаёт сари бошлайди. Унинг фахри — ўқувчилари, ўзи сочган уруғларнинг ўсиб-унишидадир.

Ана шундай фидойи касб соҳибларидан бири Дилмурод Вафоев Қамаш тумани таълим тизими ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда 85 ёшни қоралаган табаррук устоз 63 йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб, бир дам касби машаққатидан нолиганини билмайман. Устознинг шогирдлари республикамизнинг турли ҳудудларида, турли касбларда хизмат қилиб, юртда обрў-эътибор қозонишган.

— Фарзандларим, шунингдек, шогирдларим меҳнатларимни қадрлаётгани учун Яратганга шукроналар айтаман, — дейди Дилмурод бобо. — Танамда дармоним бор экан, элимиз фарзандлари камолга ўз ҳиссамни қўшсам дейман, уларнинг келажакда билимли, хунарли инсон бўлиб, юрт истиқболига ҳисса қўшишидан фахрланаман.

Ҳа, айни пайтда кексалик гаштини сураётган фахрий муаллим нафақада бўлса-да, ҳали ҳам ёшлардан ўз маслаҳатларини аямайди. Мақтабда ташкил этиладиган турли байрам ва тадбирларда иштирок этиб, ўқитувчию ўқувчилар билан тажрибаларини ўртоқлашади. Шунинг учун ҳам Дилмурод Вафоев кўп йиллик хизматлари, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги учун давлатимизнинг юксак мукофоти — «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Келажакда мен ҳам бобомдек ўқитувчи, маърифатли инсон бўлишни орзу қиламан. Шунинг учун ҳам билимларни кунт билан эгаллаб келаялман. Истагим — келгусида бобом орзулагандек етук муаллима бўлиш.

Гулнора ДИЛМУРОДОВА,
Қарши ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси

ОСИЁДА УЧ КАРРА ТЕНГСИЗ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган ОФК қароргоҳида тантанали маросим ўтказилди. Унда Осиёнинг футбол бўйича жорий йилдаги энг яхши номлари эълон қилинди.

Мазкур номинацияларга номзод сифатида киритилган ҳамюртларимиздан фақатгифасидаги рефери Равшан Эрматовга ғолиблик табассуми насиб этди.

Бундай нufузли соvrинга Р.Эрматов қаторасига учинчи бор (2008, 2009 ва 2010 йиллар) ҳақли равишда сазовор бўлди.

ШОҲСУПАДА — БУХОРОЛИКЛАР

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида 23—24 ноябрь кунлари "Ўзбек жанг санъати" спорт тури бўйича ўсмирлар, катталар ва фахрийлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 7дан 45 ёшгача бўлган спортчилар баҳслашди.

Беллашувларда иштирокчилар якка ҳамда жамоавий курашда куч синашишди. Яқуний натижаларга кўра, сирдарёликлар умумжамоа ҳисобида 3-ўринни, пойтахтликлар 2-ўринни эгаллашди. Жами 47 нафар ўғилқиздан ташкил топган Бухоро жамоаси 17 олтин, 8 кумуш ва 18 бронза медал билан 1-ўринни қўлга киритди.

Ушбу турнирда зафар кучган спортчилар 25 декабрь куни "Жар" спорт мажмуасида старт олувчи ўзбек жанг санъати бўйича навбатдаги спорт мусобақасига йўланма олди.

Ҳаким Йўлдошев,
ЎзДЖТУ талабаси

O'zbek jang san'ani

НАВБАТДАГИ КУРАШ МАНЗИЛИ

Маълумки, кураш халқаро ассоциацияси (КХА) Ўзбек миллий курашини янада оммалаштириш ва пировардида Олимпиада ўйинлари сафига киритиш мақсадида кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шу муносабат билан Кураш халқаро ассоциациясида ушбу масалага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда КХА бош котиби Умид Ёқубов ва халқаро кураш жамғармаси раиси Ҳабубулла Тожиев журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Ўтган йиллар мобайнида курашмизни минтақавий ва қитъавий федерация ҳамда конфедерациялари фаолиятини кенгайтириш, жаҳоннинг турли давлатларида кураш мусобақаларини ўтказиш, халқаро спорт ташкилотлари билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида бир қатор ишлар бажарилди.

КХАнинг 2010 йилги тақвим режасига биноан, шу йилнинг 13—18 декабрь кунлари Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Дунёнинг эллиқдан ортиқ давлатидан юзлаб полвонлар қатнашиши кутилаётган мазкур мусобақага тайёргарлик ишлари борасида ҳам маълумот берилди.

Анвар ҚОБИЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Osiyo O'yinlari kundaligi

Ўн беш кун мобайнида қитъамизнинг илғор спортчиларини синовдан ўтказган XVI Осиё Ўйинлари бугун якунига етади. Демак, спорт мусобақасининг тантанали ёпилиш маросими га қадар яна бир қанча медал соҳиблари аниқланади ва уларга соvrинлар топширилади. Эътиборлиси, юртдошларимиз Гуанжоуда медаллар жамғариш борасида ўтган йилларга қараганда сермахсуллиги билан ажралиб турибди.

БАЙДАРКА ВА КАНОЕДА ЭШКАК ЭШИШ

Каноеда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков яккалик баҳсда зафар қўчди. Масофани у 3 дақиқа, 51 сонияда забт этди ва бу билан Осиё Ўйинларидаги иккинчи олтинни ўз шахсий газнасига қўшиб қўйди. В.Меньков Доҳада ўтган Осиё Ўйинлари(2006)да дастлабки олтинга эга бўлган.

Шундан сўнг Серик Мирбеков

ҳам Осиёда тенгсизлигини исботлай олди. У Доҳада ҳам олтин медал билан мукофотлангани, Гуанжоуда ҳам 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида унга биринчи бўлиш насиб этди. Ўқтамжон Раҳмонов ва Аббос Атоев финалда имкониятни бой берди ва кумуш медалларга эгалик қилди. 64 килограмм вазн тоифасида Санжар Раҳмонов бронза медалга лойиқ топилди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

БУГУН ЭНГ СЎНГИ МЕДАЛЛАР ҲАМ ҲАММИЗГА

ва Герасим Кочнев дуэти ҳам 1000 метр масофага ўтказилган жуфтлик пойғаларида кучли дея эътироф этилган рақиблари — хитойлик Маоксин Хуан ва Веёнг Ксиени ортда қолдириб, маррани биринчи кесиб ўтди ва умумжамоамиз ҳисобидаги навбатдаги олтин медални қўлга киритди.

Кувонарлиси, байдаркада бир километрга эшкак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойғада Сергей Борзов, Алексей Бобоков, Алексей Мочалов ва Вячеслав Гордан иборат терма жамоамиз ҳам ҳамкасблари бошлаб берган аънанани давом эттирди — биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал билан тақдирланишди.

Хотин-қизлар ўртасида 500 метрга ўтказилган тўртликлар ўртасидаги пойғада жамоамиз кумуш медал билан чеklangди.

ЭРКИН КУРАШ. Ўта оғир вазн тоифасидаги беллашув Артур Таймазов ғалабаси билан эсда қолди, у доимгидек терма жамоамиз газнасига олтин медал қўйди.

96 килограммгача бўлган вазнли эркин курашчилар баҳсида финалга чиққан Қурбон Қурбоновга ҳакамлар кумуш медални раво кўришди.

БОКС. Терма жамоамиз сардори Элшод Расулов бу сафар

Бадиий гимнастикчилар дастлаб жамоавий мусобақада ҳалқа, тўп, тасма ва аргамчда бажарилган машқларнинг умумий натижаси бўйича 2-ўринни олди. Яккаликлар ўртасида саралаш баҳслари ҳам ўтказилди. Унда муваффақиятли қатнашган Уляна Трофимова кумуш олди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Хотин-қизлар ўртасида баландликка сакраш баҳсларида ватандошларимиз Светлана Радзивил ҳамда Надия Дусанова бир олтин ва бир кумушни терма жамоа хазинасида тўхфа қилди. Мазкур йўналишдаги баҳс финали ўзбекистонлик енгил атлетикачиларга бағишлангани эътиборлидир. 100 метрга югуриш бобда кумуш медалга эришган Гўзал Хуббиева бу гал 200 метрга югуриш бўйича 3-ўринни олди.

ШАХМАТ. Жамоавий мусобақанинг саралаш босқичидан ўтган аёлларимиз терма жамоаси финалда хитойлик шахматчиларга қарши дونا сурди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

Ўзбекистонлик спортчилар Гуанжоуда бугун ниҳояланадиган Осиё Ўйинларида ҳозирга қадар 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза — жами 56та медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринга кўтарилиб олди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

ВУЖУД ВА РУҲИЯТ МАЛҲАМИ

Орзу-умидларнинг ушалиши, инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топиб, оиласининг ширин ташвишларига елка тутиб бориши, хуллас, ҳаётдан қониб-қониқиб яшаши каби бахтиёрликларни тутиб боровчи бир куч бор — бу саломатликдир. Киши жисмонан соғлом бўлсагина, олдига катта-катта мақсадлар қўйиб, ўзгаларга ҳам нафи тегиб яшамоғи мумкин.

Хукуматимиз раҳбарияти томонидан соғлом авлодни вояга етказиш борасида кўрсатилган гамажурликлар замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат жам. Биз фарзандларимизни нафақат жисмоний тарбия ва спортга жалб этмоғимиз, балки уларда жисмоний маданият илми, тушунча ва кўникмаларини ҳам шакллантира бормоғимиз керакки, улар қайси касб эгаси бўлиб етишишларидан қатъи назар, спорт машғулотлари билан муттасил шуғулланишни ўзларининг турмуш тарзларига сингдира билмоқлари жоиз.

Навоий вилоятининг Кармана тумани халқ таълими бўлими тизи-мида, жумладан, спортнинг бадиий гимнастика турини оммавийлаштириш, ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси бадиий гимнастика федерациясининг Кармана бўлими таъсис этилди. Мактабларда ташкил этилган тўғарак ва секциялар ишининг самарадорлигини оширишга эришиш, аввало, бу масканларда фаолият юритувчи мутахассисларнинг маҳорати-

воқиф бўлиб, малакаларини оширишларига замин яратди. Шу аснода туман мактабларида бадиий гимнастикани ривожлантириш имкониятлари яратилди. Бу жараён нафақат мактабларда, балки мактабгача таълим муассасаларида ҳам давом этмоқда. Богчаларда махсус хоналар ажратилиб, гимнастика гилалари, ойналар, швед стенкалари каби машғулотлар ўтказишда асқотадиган жиҳозлар билан таъминланди.

— Албатта, яратилаётган имкониятлар, қили-



этилган ўқувларга жалб этди ва уларга сертификатлар берилди. Шунингдек, 4 нафар мураббий инструкторлар тайёрланди. Мураббийлардан Сабо Бахронова ва Дурдона Зокироваларнинг республика семинарида иштирок этишлари эса соҳада эришилаётган муваффақиятлар, тўпланган тажрибалардан

наётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатмоқда, — дейди туман ХТБ мудираси Дилбар Умарова. — Айни кунда 815 нафар ўқувчи-қизларимиз спорт гимнастикаси ва бадиий гимнастика билан муттасил шуғулланишмоқда. Қизларимиз туманлараро бўлиб ўтган мусобақада фахрли ўринларни қў-

Badiiy gimnastika

га киритишди. Нуротада ташкил этилган «Гимнастика маликаси» танловида эса 1999 йили туғилган Мадинабону Хусеинова 2-даражали диплом, 2001 йили таваллуд топган Фарангиз Муҳаммедова ва 2002 йили туғилган Гавҳар Кароматовалар 3-даражали дипломлар билан тақдирланишди. Айниқса, «Туман ҳокими кубоғи учун» уюштирилган танловларда 1999-2004 йилларда туғилган, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида таълим олиб тарбияланаётган эллик нафар қизнинг саҳнада ажойиб чиқишлар қилиши кўпчиликнинг ҳайрат ва олқишларига сазовор бўлди.

...Қиз бола гўзаллик ва нафосат соҳибасидир. У бўлажак она, оила бекаси. Унинг қадди-қоматидаги чирой, руҳиятидаги тетиклик, кайфиятидаги кўтаринкилик, албатта, нафақат ўзининг, балки атрофидагиларнинг ҳам ҳаётга ўзгача иштиёқ билан қарашларига ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди. Кармана туманининг олис қишлоқ мактабларида фаолият юритаётган бадиий гимнастика тўғаракларида ўтказилаётган машғулотлар шу маънода вужуд ва руҳият малҳами ҳам бўлиб хизмат қилишига аминимиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан бериладиган совғалар таркибига кирувчи болалар учун мўлжалланган журналнинг махсус сонидида чоп этиш мақсадида таълим муассасалари ўқувчи ва тарбияланувчилари томонидан яратилган расмлар ва шеърлар танлови ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловни ўтказиш жараёнлари ва тартиби тўғрисида янада батафсил маълумот олиш учун куйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:

100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри Мустақиллик майдони, 5-уй

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Телефонлар: (8-371) 239-11-41, 239-45-12
Факс: (8-371) 239-11-41

Шунингдек, танловда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2010 йил 10 декабрь соат 15:00 дан кечикмаган ҳолда ўз асарларини тақдим этишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инobatта олинмайди.

ДҮППИ ТИҚДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...



Юртимизнинг диққатга са-
зovor тарихий обидаларида
сайр қилар экансиз, йўлин-
гизда учраган деярли ҳар бир хорижлик меҳмонни
бошида ўзбекона дўппи билан учратасиз.

Ко'рик-танлов

Дўппи бежиз амалий санъат намунаси, дея эъти-
роф этилмайди. Зотан, у аёлнинг сеҳрли қўллари би-
лан, қалб қўри, янги-янги ғоялари сингдирилган
ҳолда бунёд бўлади. Айниқса, Наманганнинг маш-
хур Чуст дўппилари Бухоро дўппиларининг «зардў-
зи-гулдўзи», «зардўзи-заминдўзи» каби ғоят нафис
нақшлари, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг «ироқи»,
«гиламдўзи» нусхалари, қорақалпоғистонликларнинг
ўзига хос «тоқима тақя», «қўчқоршохи» деб аталувчи
жозибадор нақшлари бир-бирдан ажралиб тура-
ди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси би-
лан ўтказиб келинаётган анъанавий «Дўппи тикдим
ипаклари тиллодан» республика кўрик-танлови ҳам
миллий қадриятларни асраб-авайлаш баробарида
уни оммага намойиш этиш, шунингдек, дўппидўз-
лик, зардўзлик, гиламдўзлик хунарларини қизларга
ўргатиш мақсадларини илгари суради.

— Кўрик-танловга қизиқиш билдираётган хунар-
манд аёллар сони йил сайин ошиб бораётгани қув-
нарли, — дейди Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси-
нинг етакчи мутахассиси Дилором Муродова. — Ма-
ҳаллаларда истиқомат қилувчи кекса хунармандлар-
нинг хонадонига мактаб, лицей ҳамда коллеж ўқув-
чилари билан ташриф буюриб, давра суҳбатлари,
амалий машғулотлар ўтказдик. Бу, ўз ўрнида, қад-
риятларни улуғлаб келаётган хунармандларни рағ-
батлантириш, минглаб ёшларимизнинг миллий анъ-
ана ва хунарлар борасидаги тушунчаларини бой-
тишга кўмак беради.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргаз-
малар залида кўрик-танловнинг вилоят босқичи
ғолиблари иштирокидаги «Ўзбекистон дўппилари»
кўргазмаси томонидан ишланган хунармандчилик
намуналари ташкил этилди. Кўргазмада республи-
ка босқичи ғолиблари аниқланди.

Унга кўра фарғоналик дўппидўзлар Замира Амин-
жонова ва унинг шогирди Шаҳноза Мадаминава Гран-
При соҳибаларига айланишди.

Мохичехра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» муҳбири
Владимир ГРАНКИН олган суратлар.



Ma'rifat

**ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Тахрир ҳай'ати: Жуманазар БЕК-
НАЗАРОВ, Бахтиёр Дониёров,
Баҳодир ЖОВЛИЙЕВ (бosh муharrirнинг
биринчи о'ринбосари), Акмал ИСЛОМОВ
(мас'ул котиб), Маҳмуда МУРЗАЙЕВА,
Ҳусан НИШОНОВ (бosh муharrir
о'ринбосари), Улуғбек ТОШКЕНБОЙЕВ,
Нурлан УСМОНОВ (бosh муharrir
о'ринбосари, "Учитель Узбекистана"),
Алексеу ЧУКАРИН (мас'ул котиб, "Учи-
тель Узбекистана"), Са'дулла НАКИМОВ.

Газета
Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида
№ 0067 рақам билан
ро'yxatга оlingан.

ИНДЕКС: 149, 150. G-1022.
Тиражи 26930.

Ҳajми 4 босма табоқ.
Ofсет усулида босилган,
qog'oz бичими А-3.

Навбatchesи муharrir:
Behzod FAZLIDDINOV.
Навбatchesи:
Sherali NAMOZOV.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonada manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
ЎЗА якунни — 20.30